



## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда Вазирлар Маҳкамаси Умуқиқтисодиёт комплекснинг масъулияти катта. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 11 январ куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор мазкур комплекс ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди.

Кенгаш йиғилишида Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисо-

дий ва молиявий барқарорликка эришилгани, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар дастури ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани, нефтгаз, тоғ-кон, озиқ-овқат, енгил саноат ва машинасозлик саноатида ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилаётганини таъкидлади. "Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизни янада барқарор ва изчил ривожланти-

риш учун зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор яратилмоқда", деди Ислон Каримов.

Айни пайтда Президенти-миз Умуқиқтисодиёт комплексига кирувчи вазирлик, қўмита, концерн, компания ва идоралар ўртасида ишни ташкил этишда ўзаро ҳамжиҳатлик этишмаётганидан ташвиш билдирди. "Иқтисодиёт ривожини, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб

чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор, - деди давлатимиз раҳбари. - Ҳар қандай тармоқ, ҳар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим".

Афсуски, идоралар кўпинча (Давоми 2-бетда)

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

### АСКАРЛАРГА

(КЎШИҚ)

Кўкка етар бўйингиз бор,  
Ватан деган уйингиз бор,  
Ҳали қанча тўйингиз бор,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Ёв кўнглига кўрқув солган,  
Алпомишни ёдга олган,  
Тинчлик куйин баланд чалган,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.


Сиз тинчликнинг посбонисиз,  
Юртимнинг соф осмонисиз,  
Шоирларнинг достонисиз,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Аскарликни бурчим деган,  
Адолатда кучим, деган,  
Душманда бор ўчим, деган,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Кучли, чаққон, ботир,  
\_\_\_\_\_ мерган,  
Сафда кўкрак кериб турган,  
Солижонга илҳом берган,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Кўкка етар бўйингиз бор,  
Ватан деган уйингиз бор,  
Ҳали қанча тўйингиз бор,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Солижон ХУДОЁРОВ,  
Ўқитувчи, Нуробод тумани



ВАПАЧИ  
ФАРЗАНДЛАРИ 3-БЕТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
МАЪРУЗА  
МАТНЛАРИНИ  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

7-10-бет

### ТАҲЛИЛ

Тугаётган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди ва унда мазкур тизимнинг 1996-2000 йиллар давомидаги фаолияти таҳлил қилиниб, атрофлича муҳокама этилди.

### СЎНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба  
Пайшанба  
Жума

### ҚУЛАЙЛИК

1998-2000 йилларда аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурига кўра бошланган 68 км.лик газ қувури қурилиши

дастлабки босқичининг ишга тушиши Термиз шаҳри ва тумани аҳолиси учун катта қулайлик яратди.

### ЭЪТИРОФ

Дунё тўқимачилик саноатида етакчи биржалардан бири-Ливерпуль халқаро биржаси "Бухоро-6" пахта нави толасини хом ашё намунаси сифатида кўргазмага қўйди ва толани мазкур биржа белгиси билан олувчи Европа ва Америка давлатлари компаниялари ўзбек толасини эътироф этадиган бўлди.

КОНАН ДОЙЛ...  
ЖИНОЯТ  
КУРСИСИДА

12-бет

БОЛАЛАР  
ШОИРИНИНГ  
МАЪНАВИЯТ  
СИНОВИ

11-бет

### ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

АЛФРЕД  
НОБЕЛНИ  
БИЛАСИЗМИ?

13-бет



## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ча фақат ўз манфаатларинигина ўйлаб иш тутадилар. Тарқоқлик кучли. Умумий мақсадли комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ишида, иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан етарлича фойдаланилмапти.

Ислом Каримов мазкур комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, аввало, дунё иқтисодиёти тараққиёти механизмлари ҳамда йўналишларини пухта ўрганиб олишлари зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Жаҳон иқтисодиётининг асоси эса эркин бозор муносабатлари, эркин рақобатдир. Президент айтмоқчи "бўш жойи йўқ дунё бозоридан" ўрин эгаллаш мушкулдан мушкул иш экани ҳам тушунарли ҳол. Шу боисдан дунё бозоридан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос ўринни мустақим эгаллаши ҳақида ўйлаш керак. Шундагина, иқтисодиётимиз том маънода юксалади.

Президент мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳмиятга эга яна бир масалага эътибор қаратди. Яъники, корхоналарни, ишлаб чиқариш муассасаларини Ўзбекистон шароитига, унинг иқтисодиёти ва эҳтиёжига мослаш

лозим. Афсуски, собиқ шўро даврида мамлакатимиз ҳудудида бизнинг эҳтиёжimiz учун мутлақо зарур бўлмаган турли корхоналар қурилди. Улар юртимиз экологиясини ҳам, одамларимиз саломатлигини ҳам бузгани сир эмас. Бундай корхоналар табиий равишда бугун инқирозга дучор бўлаётир.

Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор бўлган йўналишларни яна бир карра таъкидлаб ўтди. Макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, кўпқўладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш каби масалалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Кенгаш йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Голошев, Бош вазир ўринбосари, Умумий иқтисодиёт комплексининг раҳбари Р.Азимовнинг кун тартибидан масалалар юзасидан ахбороти тингланди.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ,  
Фарход АРЗИЕВ,  
ЎЗА мухбирлари.**

Истеъдодли ёшлар билимини синовдан ўтказувчи, иккинчи бор уюштирилган Осиё Физика Олимпиадаси шу йилнинг 23 апрель — 1 май кунлари Тайпей (Тайван)да бўлиб ўтади. Хитой Республикаси Таълим вазирлиги бир неча йиллардан буён халқаро олимпиадаларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётган мамлакатимиз ўқувчи-ёшларининг ҳам ушбу халқаро мусобақада иштирок этишларини сўраб, таклифнома юборган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими Маркази ўқувчилар ўртасида аниқ фанларга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда республика ўқувчиларининг Иккинчи Осиё физика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақ-

садида қўшма буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, олимпиадада иштирок этувчи республика терма жамоасини шакллантириш мақсадида шу йилнинг 15-17 январь кунлари ЎЗМУ қошидаги С.Сирожид-

### ҒОЛИБЛАР ТАЙПЕЙГА БОРАДИ

динов номидаги академик лицейда республика ўқувчилари ўртасида физика фанидан танлов олимпиадаси ўтказилди.

Танлов олимпиадаси натижасига кўра, 10 нафар ўқувчидан иборат республика терма жамоаси аъзолари аниқланади. Буйруқда таъкидла-

### Rasmiy bo'lim

нишича, республика терма жамоасининг иккинчи Осиё физика олимпиадасида муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида шу йилнинг февраль, март, апрель ойларида терма жамоа аъзолари учун қўшимча дарслар ташкил қилинади.

Терма жамоани шакллантириш учун Республика танлов олимпиадасини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ҳамда танлов олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати ҳам белгиланди. Шунингдек, шу тадбир доирасида амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар бўйича масъуллар ва уларнинг бажарилиши муддатлари буйруқда ўз аксини топган.

## ИЖОДИЙ ТАНЛОВ

Юнусобод туманида ҳозирги кунда 12 та кутубхона фаолият олиб бормоқда. Тумандаги марказлашган кутубхона тизими раҳбари Саида Алимова ташаббуси билан Лермонтов номидаги кутубхонада болаларнинг қишки таътилини мазмунли ўтказиш учун расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

— Бу танловни ўтказишдан мақсадимиз, болаларнинг таътилини бесамара ўтказмаслик, улар орасидан истеъдодлиларини танлаб олиб рағбатлантириш, — деди Саида Алимова.

Танловда болаларга қандай расмлар чизиш кераклиги тушутирилди ҳамда қиш фасли ва янги йил ҳақида қизқарли маълумотлар айтиб ўтилди.

Болалар расмларни чизиш тугатиши учун йигирма дақиқа вақт берилди. Танловда 1-ўрин Вика Ерафаева, 2-ўрин Таня Найденова, 3-ўрин Шухрат Очиловга насиб этди.

Энг кичик қатнашувчи Алисия Зайкинага рағбатлантувчи мукофот топширилди. Шерзод АХМАТОВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган тармоқ касба уюшмалари қўмитаси Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясининг 3- ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг 2-қурултойи қарорлари асосида соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар миқёсида 31 та, туман ва шаҳарлар бўйича 214 та битимлар тузилган. Ушбу битим ва жамоа шартномаларида асосий ўрин касба аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, дам олишлари ва саломатликларини мустақкамлаш масалаларига қаратилган. 39 та олий ўқув юртлари, 260 та касб-хунар коллежи ва 47 та академик лицейлар, 9642 та умумтаълим мактабларидаги касба уюшма ташкилотлари ва бу ишларда маълум даражада иштирок этмоқдалар. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида барпо этилаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари ўз роли ва вазифаларини янада орттирмоқда.

Шу билан бирга соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд. Жамоа шартномаларида ёш болали ва кўп фарзандли оилаларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг нафақалари, ногирон ва кам таъминланган оилаларга тўланадиган ёрдамларнинг ўз вақтида берилиши бўйича тегишли ишлар амалга оширилганлигига қарамай, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят тармоқ қўмиталарида фарзандлар 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар аёлларга бериладиган нафақаларни назорат этишда фаоллик етишмаяпти. Таълим-

## ТАҲЛИЛ ВА РЕЖАЛАР

тарбия муассасаларида ишловчи аёллар учун ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб таътилга чиқиш масалалари билан Наманган вилоятидан бошқа бирорта тармоқ қўмиталари талаб даражасида шуғулланмаяптилар.

Тармоқ касба уюшмалари фаолиятида меҳнат техник назоратини кучайтириш борасида ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Йил давомида 303 та текширув ўтказилиб, жойларда 2973 марта "Меҳнат ҳақида"ги Қонун бандлари бузилганлиги аниқланган. 34 та устахона техника хавфсизлиги талабига жавоб бермаганлиги учун тўхтатиб қўйилган. 19 нафар мансабдор шахсларга нисбатан тартиб-қоидаларни бузганликлари учун чора-тадбирлар кўрилди. Тармоқ касба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялаш муҳим масала бўлишига қарамай, ҳалигача Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ва Тошкент шаҳри таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари қўмиталарида юрист масаласи ҳал этилмаган.

Кунни кеча шу ва шу каби бир қатор вазифалар хусусида, ўтган йилда амалга оширилган тадбирлар юзасидан фикр алмашиш, янги йилда қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касба уюшмаларининг III Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг Низомига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси қошидаги доимий комиссиялар таркибини тасдиқлаш, Қўмита Раёсатининг Марказий қўмита I ва III пленумлари оралиғидаги фаолияти тўғрисидаги бир қатор масалалар кўрилди.

Сўзга чиққанлар амалий таклиф ва мулоҳазалар билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Зоир Қодиров "Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 3- ҳамда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси 2-қурултойлари қарорлари асосида олиб борилаётган ишлар ва уларни янада такомиллаштиришдаги вазифалар" мавзусида маъруза қилди.

**Шарифа МАДРАХИМОВА**

## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Бугунги кунда мамлакатимиз ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хабарингиз бўлса, ушбу тизимни ривожлантиришга ўтган йилда Осиё ривожланиш банки 57 миллион, Япония ҳукумати 58 миллион АҚШ доллари миқдоридан имтиёзли кредит ажратди. Шунингдек, Корея ҳукумати томонидан ҳам 35 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилган бўлиб, бу маблағни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корея ҳукумати томонидан академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини жиҳозлашга ажратилган кредитни жорий этиш тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимизнинг 200 га яқин янги турдаги таълим муассасаларини жиҳозлаш ишларига сарф қилиш режалаштирилган эди.

Янги йилнинг дастлабки кунларида ЎМКХТ Марказидан қувончли хабар олдик. Корея республикаси билан имзоланган мазкур халқаро

### Xushxabar

лойиҳага кўра, яқинда мамлакатимизга Корея Республикасидан жами 26 та вагонда, умумий миқдори 7 миллион 209 минг 352 АҚШ долларига тенг бўлган ўқитишнинг энг замонавий жиҳозлари келтирилди. Республикаимизда янгидан фаолият юритаётган 43 та академик лицей ва 157 та касб-хунар коллежи яқин кунларда ана шундай умумтаълим ва касбий таълим мутахассисликларига оид ўқув-

техника воситалари, биология, кимё, физика фанларидан маҳсус лаборатория жиҳозлари, энг сўнги русумдаги компьютерлар, кодоскоп, мультимедиа, видеонигоҳ тизимлари, тўлиқ компьютерлаштирилган лингафон хоналари, касб-хунар коллежларининг автомобилсозлик, радиотелеускуналар, электроника йўналишлари бўйича маҳсус жиҳозлар билан таъминланади.

Айни кунда Кореядан келтирилган дастлабки жиҳозлар Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларига етказилади. Қолган вилоятлардаги янги турдаги таълим муассасалари ҳам янги жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминланади.

**Элнур УСМОНОВ**



Ҳар бир ўғил бола келажакда ҳарбий хизматни ўташни, аскар бўлиб, эл-юрт мудофааси йўлида хизмат қилишни чин дилдан истайди, ният қилади.

Ҳарбий хизматдан қайтиб келган тоғасининг шапкасини кийиб олган, иссиқ шинелга ўраниб олиб, аскарлик ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан тинглаётган боладан бахтли инсон бўлмаса керак. Нима учун, нега деган саволлар билан чарчатиб юбораётган болакай «уруш-уруш» ўйнаб гўёки ўз ватанини, ўз халқини душмандан ҳимоя қилаётгандек таассурот уйғотади, кишида.

Бир куни мана шундай ўйинлардан кейин акам уйга келдида, «Дада, мен аскар бўламан, қишлоғимизни ҳимоя қиламан», деб қолди. Мен ўзимча билагонлик қилиб «Сен кичкинасан-ку, кейин аскар бўлиш учун ҳам мактабга бориш керак, яна-чи, душманлардан қишлоқ эмас, Ватан деган жой ҳимоя қилинади» дедим. Шунда дадам «Ҳамма ўғил болалар она-Ватан ҳимояси учун, ўз юртининг тинчлиги учун катта бўлганда йигитлик бурчини ўташи шарт. Сен қизим, Ватан деганда мавҳум нарсани тушунма. Аканг тўғри айтди. Ватан қишлоқдан бошланади. Йигит аввало қишлоғини ҳимоя қила билмоғи керак. Кейин мактабда аъло баҳоларга ўқиш зарур. Мактабда ҳам ҳарбий ватанпарварлик дарслари ўтилади. Жисмоний тарбия машқларини эринмай бажариш ҳам кўрқмас, жасур Ватан ҳимоячисини бўлиш учун асқотадиган нарса» дедилар.

Энди ўйлаб қарасам, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг дахлсизлигини таъминлашга, уни кўриқлашга интилиш, «хизматга бораман» деган ўй ўғил болаларда бўладиган ички бир туйғу, истак экан. Бу туйғу ҳарбий хизматга боргунча шаклланиб, янги-янги орзулар билан бойиб боравераркан.

Фарғона шаҳрида жойлашган республика ҳуқуқий лицейи ҳовлисига кириб бораётганимда мени чиройли форма кийган, баланд бўйли, келишган, хуллас, ҳарбий кишига хос нимаики керак бўлса ҳаммасига эга бўлган соқчи йигитчалар тўхтатди:

—Ассалому алайкум, хуш келибсиз. Опа кимсиз, қандай юмуш билан лицейимизга келяпсиз?, деган саволлардан сўнг ўзимни таништирдим. Мухбир эканлигимни билган ўспиринлардан бири кутиб туришимни айтиб, ўзи ичкарига югуриб кетди.

Катта майдонни эгаллаган лицей худудидида беш-олти йиллик дарахтлар, спорт майдони, жисмоний ва ҳарбий машқлар ўтказиш учун керак бўладиган гимнастика шаҳарчаси ҳаммаси озода, тоза, тартибли.

Мен билан қолган болани суҳбатга тортдим.

—Анов бино ўқув корпусими, қаерликсиз, ҳамма ўқувчилар бир хил форма киядими, лицейдаги шароитлар яхшими? Бу ерда кўпроқ нималарни ўргана-сизлар?

—Навоий вилоятдан ўқишга келганман. Биринчидаги бинода дарс ўтамиз, анов икки қаватлиси маъмурий бино ҳисобланади. У ерда тантаналар зали, лицей музейи, кутубхона жойлашган. Хув анови стадиондан кейинги тўрт қаватли бино ётоқ жой. У ерда биз худди ҳарбий аскар-



## ВАТАН ФАРЗАНДАЛАРИ

лардек яшаймиз. Лицейимизда интизом жуда қаттиқ. Ҳамма бир хил формада, тоза кийиниб юриши, вақтида дарсга кириб, вақтида спорт машғулотларини бажариши шарт. Лицей тартибқоидаларига бўйсунмаганлар ўқишдан четлаштирилади. Ташқаридан қараганда темир интизом, бир вақтда ухлашга ётиб, бир вақтда уйғониш қийинга ўхшаб туюлади, лекин менга лицейимиз ёқади. Чунки бу ерда ҳар қандай ўсмир йигит чиниқади, қийинчиликларга чидамли матонатли инсон бўлиб етишади, — деди суҳбатдошим.

Ҳуқуқий лицей директори Муроджон Мамажонов ҳузурига кирганимда у киши Сариосиё тупроқларида ҳалок бўлган Маҳмуд Жалилов ҳамда Шухрат Собировларнинг жасорати ҳақида ёзилган мақолани ўқиб ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг «иккаласи ҳам бизнинг лицейда таҳсил олганди, яхши йигитлар эди», деб гап бошлади М.Мамажонов.

Лицей 1985 йилда Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган. Дастлаб таълим фақатгина рус тилида олиб борилган. 1992 йилда лицейга ҳарбий лицей мақоми берилди. 1991 йилда ҳарбий учувчилар ҳамда ҳаво десантчилари тайёрлаш бўлими очилганди. 1993 йилгача бу бўлимда 21 нафар соғлом, бақувват, ҳар томонлама ҳарбий учувчиликка, ҳаво десантчилигига лойиқ бўлган йигитлар тайёрланди.

Бугунги кунда 398 нафар ўқувчи таълим олаётган даргоҳда 3 та йўналиш бўйича Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги ёнгиндан сақлаш олий техника мактабига, ички қўшинлар ҳарбий техника билим юртига қабул қилинувчилар тайёрланади.

Лицейга 1994 йилда ҳуқуқий лицей мақоми берилди.

Ушбу даргоҳда ўқувчилар 4 та ротага бўлинган ҳолда таълим-тарбия олишади.

«Бизнинг болалар, — деб гап бошлади М.Мамажонов, — етук билимга эга бўлган, соғлом, кўринишидан ҳам ҳарбийлиги билиниб турган йигитлардир.

Чунки жисмоний ва ҳарбий машқлар ўтказиш учун, ҳарбий техниканинг, ҳарбий хизматнинг сир-асрорларини синчиклаб ўрганиш учун бизда ҳамма шароит бор. 20 та тўғарақда мунтазам фаолият олиб борилмоқда. Бу ерга республикамизнинг барча вилоятларидан 9-синфни битирган, бўйи 160 сантиметрдан кам бўлмаган йигитлар имтиҳон асосида қабул қилинади.

Ватанни қуруқ гап-сўзлар, «оҳ-воҳ»лар ҳимоя қила олмайди. Кучли тайёргарликка эга бўлган, ҳарбийликнинг сир-асрорини ипидан игнасиғача билган йигитлар ҳақиқий ватан ҳимоячилари бўла оладилар. Биз мана шу йўлда ҳаракат қиламиз, яъни армиямизга, ички қўшинларимизга керак бўладиган сержантлар тайёрлаб берамиз. Лицей худудидида ҳарбий интизом ўрнатилган. Болалар ҳарбий хизматдагидек ҳамма юмушларини ўзлари бажаришади. Ҳар бир аскарлар ётоқхонасида биттадан сартарошхона, этикдўзлик устахонаси ишлаб турибди. Тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Таълим ўз вақтида ва изчиллик билан олиб борилади. Бугунги кунда 2 нафар фан доктори, 49 нафар фан номзоди бўлган мураббийлар ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. Ўқувчиларга ўзбек тилидан ташқари рус, инглиз, немис тиллари чуқур ўргатилади. Кутубхонада 23 мингдан ортиқ китобларимиз бор. Лицейнинг 16 йиллик фаолиятини очиб берадиган, унинг биринчи қалдирғочлари ҳақида тўлиқ ҳикоя қиладиган музейимиз спортнинг барча турлари: сафда юриш, мақсадли тайёргарлик, ўт очиш, криминалистика бўйича, «хизмат итлари», «АТА» (Амир Темур авлодлари) каби тўғарақлар ишлаб турибди.

Ишлаган, ўқиган, ҳарбий ва жисмоний машқлар билан толиққан киши дам олишни ҳам билиши керак. Ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш ниятида миллий чолғу ансамбли, духовой оркестр тўғарақлари ҳам ўқувчилар хизматида.

Ҳар чоршанба куни ўқув даргоҳимизда бирор хил тадбир албатта ўтказилади. Казармаларда саъва, канарейка, тўти каби қушларимиз бор.

Яқинда яна бир қувончли хабар олдик. Ушбу даргоҳни 1989 йилда битирган Баҳром Мадраҳимов Американинг Сан-Антонио шаҳрида ҳарбий билим ва маҳоратини ошириш учун таълим олмақда экан. Ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги сабабли мураббийлари ўртасида ҳурмат-эътибор топибди. Бу ҳақда бизга Америкадан унинг офицерлари ёзиб юборишибди».

Лицей ўқувчилари билан суҳбатимиз эса қуйидагидек кечди.

**Носиржон МАДАМИНОВ** — Мен Термиз шаҳридан ўқишга келганман. Бу ерда тарих, химия, математика фанлари чуқур ўргатилади. Ҳар бир йигит энг аввало ўз Ватани қудратини юксалтирувчи, уни ёвуз кимсалардан асрашга доимо шай турувчи инсон бўлиши лозим. Бу ерда биз нафақат дарсликларда, ўқув режасида кўрсатилган фанларни ўтамиз, балки ҳаёт сабоғини ҳам оламиз. Ҳозир уйимдан, ота-онамдан узоқда таълим оляпман. Туғилган юрт қадрини, унинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини чин дилдан ҳис қиляпман. Бу ерда ўтаётган кунларим бесамара кетма-япти. Қўл жанги, криминалистика, футбол, волейбол тўғарақларига қатнашиб, чидам ва матонатни ўрганипман. Рус, инглиз тилларида бемалол суҳбатлаша оладиган даражага етдим. Келгусида Она Ватанни турли ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқий соҳадаги билимларимни яна ҳам чуқурлаштириш ниятидаман.

**Дурбек ШОЙМАТОВ** — Мен лицейнинг ёнгиндан сақлаш бўлимида таҳсил оляпман. Бу ерда ҳамма шароитлар муҳайё: Мазали овқатлар, спорт билан шуғулланиш учун керак бўладиган барча спорт анжомлари. Оппоқ чойшаб, иссиққина ётоқ жой. Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан келганман. Бу ерда ҳақиқий ватанпарвар, Ватаннинг ҳар бир сарҳадини кўз қорачигидек асрашга тайёр йигитлар улғайишмоқда.

**Ярашбек ҚАЛАНДАРОВ** — Мен бу ерда рус, инглиз, немис тилларини кунт билан ўрганипман. Келажакда миллий хавфсизлик хизматчиси бўлмоқчиман. Ҳар бир давлатнинг тинчлиги, осойишталиги ўша ердаги ички ишлар ходимлари, ҳарбий офицер ва аскарлар туфайли барқарор бўлади. Узоқ Хоразмдан ўқишга келиб янглишмаганлигимни бугун яхши ҳис қиляпман. Сабаби, бу ердаги барча муаллим ва офицерлар бизни ўз фарзандидек яхши кўради, бизга барча шароитларни яратиб беришган. Кутубхонада ҳам истаган адабиётни олиб ўқиш имкони бор. Ҳарбий ва спорт базасининг мустаҳкамлиги бу ерда бемалол спорт билан шуғулланиш имконини беради.

Ҳуқуқий лицей ҳаёти, унда олиб борилаётган ибратли ишлар хусусида жуда кўп гапириш мумкин. Энг муҳими у ерда Ватан ҳимоясига доим тайёр турадиган, ўрта мактаб дастурлариданоқ ҳарбий санъатни тўлатўкис эгаллаб олган теран фикрли, тийрак нигоҳли йигитлар тарбияланмоқда.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**  
«Маърифат»нинг махсус муҳбири



Таълимнинг ислох қилиниши, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" УЎТДТС жорий этилиши ўқитувчи ва ўқувчи зиммасига бир қанча масъулият юклайди. Янги чиқарилган баъзи бир дарсликларни тушуниш қийинлиги, методик тавсияларнинг етишмаслиги, оналарнинг фарзандларига эътиборсизлиги, ўқувчиларнинг дарс тайёрлашда кўшимча материаллардан фойдаланмаслиги, баъзи ўқитувчиларнинг ўз устида ишласлиги ва уларда педагогик маҳоратнинг етарли эмаслиги натижасида ўқувчилар ДТС талабларига етарлича жавоб бера олмайдилар. Республика миқёсида ва шу жумладан таълим муассасаларида Мониторинг хоналарининг ташкил этилиши бир қанча имкониятлар очиб берди. Мониторинг хоналари бевосита, илғор педагогик тажрибаларни омалаштириш, ўқувчиларга ДТС асосидаги янги ўқув дастурларини ўқув жараёнига тадбиқ этишда, уни янги замонавий педтехнология асосида амалга оширишда услубий тавсиялар бериш билан шуғулланади.

Мақтабимизда ҳар бир ўқитувчи ўз тақвимий режасини ДТС ва янги дастур асосида мувофиқлаштирган.

Мақтабимизда 4 та 5-синф, 5 та 6-синф ва 6 та 7-синфлар мавжуд. Мен бу синф ўқувчиларини янги дастурлар асосида ДТС талабларига қай даражада жавоб бераётганликларини аниқлаш мақсадида 5-7-синфларда ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалари мониторинги режасини тузиб олдим. Ҳар битта синфда 2 та фандан тест ўтказишни режалаштириб, график туздим. Фаоллар

Тест натижаларини 10 баллик тизимда баҳоладим. Тест натижалари шуни кўрсатдики, 5-синфларда ўқувчилар билим, кўникма, малака мониторинги ўртача 7,8, 6-синфларда ўқувчилар 6,5 ва 7-синфларда 7,4 баллини ташкил этди ва бу натижаларни "Тасвирий ойна"да акс эттирдим.

Умумий синфларнинг ўртача бали бир мунча юқори бўлса-да, лекин айрим синфларда айрим фанлардан бир мунча паст

## МАҚТАБДА МОНИТОРИНГНИ ОЛИБ БОРИШ

кенгаши аъзолари "Тестлар банки"ни тузишга ёрдамлашдилар.

Бу ишларни олиб боришда Юнусобод туман ДТС мониторинг хонаси мудираси М.Мирзамухамедова ва туман ХТБ мудир муовини Э.Бикматовалар яқиндан кўмак бердилар.

5-синфларда она тили, адабиёт, рус тили, математика, география, тарих, хорижий тил, 7-синфларда она тили, адабиёт, математика, география, зоология, физика, тарих, кимё ва хорижий тилдан тестлар олдим.

кўрсаткичлар ҳам бўлди. Булар 5-синф "Табийий география", 6-"Б" синф география, тарих ва ҳоказодир.

1-чорак якунида "Таълим тараққиёти" журналида чоп этилган "Саволнома"дан фойдаланиб, ўқитувчи ва ўқувчилардан анкета саволлари олган эдим. Ўқитувчилар ва ўқувчилардан олинган "Саволнома"ни таҳлил қилиб, тест натижалари якунини куйидагича изоҳладим. Ўқитувчилар фикрича, ўқувчиларни ДТС талабларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги сабаби-айрим дарслик, мавзу-

### Tahlil

ларнинг ўзлаштирилиши қийинлиги, услубий тавсияларнинг етишмаслиги деб кўрсатилган.

Ўқувчилар фикрича эса, уларнинг ДТС талабларига етарли жавоб бера олмаслиги сабаби-уларга ота-оналарнинг эътиборсизлиги, уларни дарс тайёрлашда кўшимча адабиётлардан фойдаланмаслиги, уларнинг кутубхонага аъзо эмаслиги ва уларни ҳеч қандай газета журналларга обуна бўлмаганлигида ва яна айрим фан ўқитувчиларида педагогик маҳоратнинг етишмаслигида деб кўрсатилган. Шуни назарда тутиб хулосалайдиган бўлсак, бугунги куннинг ўқитувчиси ўз устида тинмай ишлаши, янгиликлардан доимо хабардор бўлиб туриши, ўз ўқувчисини мустақил фикрлашга ўргатиб, уни ҳар томонлама етук, зукко, маънан соғ бўлишга эришиши, қисқаси тинмай ижодий изланишда бўлмоғи лозим.

Гулчеҳра КАРИМОВА,  
Юнусобод туманидаги  
274-мактабнинг ўқув-  
ишлари бўйича раҳбар  
муовини, "Мониторинг"  
хонаси бошлиғи

### Xushxabar

## ИНСТИТУТГА ЯНГИ ЎҚУВ ТЕХНИКАЛАРИ

Халқаро "Осиё" банки Халқ таълими вазирлиги билан таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича тузилган ҳамкорлик келишувига асосан, Андижон вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтига энг замонавий техника воситаларини тақдим этди. Эндиликда учта "Пентиум-3" компютери, нусха кўчириш аппарати ҳамда 2 та принтер институт жамоасига хизмат кўрсатяпти. Кейинчалик ёрдам қўлами кенгайтирилиб, яна 5 жойда малака ошириш марказлари ташкил этилади ва масофадан туриб "дарс бериш" имконияти яратилади.

А.АБДУЛЛАЕВ

## СОҒЛОМ ЁШЛАР ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг маданият саройида "Ёшлар XXI асрга СПИД-сиз соғлом оила билан" мавзуда катта тадбир утказилди. Унда ХХ аср вабосига айланган ОИТСнинг салбий оқибатлари йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ҳақида талабалар томонидан маърузалар қилинди. Ўз навбатида ташриф буюрган меҳмонлар, аниқроғи, талаба-ёшлар ҳам бу борада уз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳамда "Камолот" жамғармасининг туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган концерт-шоуси утказилди. Унда ёш санъаткорлар ва гуруҳлар таклиф этилиб, улар ўзларининг янги қушиқлари билан иштирокчиларга завқ-шавқ улаштирди.

— Бундай тадбир-шоуларни утказишдан мақсадимиз, бу ёшларни концерт ёки қушиққа астойдил қизиқтириш эмас. Балки ёшларни ҳар томонлама жиҳлаштириш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб устиришдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Бахтиёр Хужаев, — Эндиликда бу каби тадбирларни янада кўпроқ уюштириб, ёшларга таълим-тарбия соҳасида тарғиб ишларини кучайтириш, шунингдек, уларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда янада самаралироқ, фойдалироқ иш олиб боришни ўз олдимишга мақсад қилиб қуйганмиз.

Б.БОТИРОВ

## 2-мавзу. ТРАНСПОРТДАГИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

### 2-дарс

Катта тезликда ёпиқ муҳитда кетаётган одамлар тўплами доимо кучли хавф манбаи бўлган вазиятни билдиради. Бу автобус ёки троллейбусни кўриб кўркүвга тушиш керак дегани эмас, албатта. Шаҳарда яшаш тажрибаси бир қанча қоидалар тўпламининг ишлаб чиқилишига олиб келдики, улар инсонга транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиш имконини беради.

Йўл ҳаракати ҳодисасидан муҳофазаланишнинг энг яхши усули — йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишдир. Йўл ҳаракати ҳодисалари асосан кўчанинг машиналар қатнови давом этаётган қисмида содир бўлишлари сабаби йўловчиларнинг диққат-эътиборлари кўчани кесиб ўтиш ва бу ерда уларни кутиши мумкин бўлган хавфга қаратилиши лозим. Шахсий хавфсизлик тизимида одатда шундай ҳоллар бўладики, энг оддий воситалар энг ишончли восита бўлиб чиқади.

Болалар фавқулодда ҳодиса юз беришининг олдини оладиган ва йўловчилар ҳаётини сақлаб қолишнинг қуйидаги қоидаларини библишлари ва булар ўта зарурийлигини англаб, уларга қатъий риоя қилишлари лозимдир:

— машина келаяптими ёки йўқми, барибир кўчани светофорнинг қизил чироғи ёниб турганда кесиб ўтмаслик;

— кўчани фақат светофорнинг яшил чироғи ёнганда кесиб ўтиш, бунда аввал чап

томонга, йўлнинг ўртасига боргандан сўнг эса ўнг томонга қараш;

— кўчани кесиб ўтаётганда автобус, троллейбус, орқа томондан, трамвайни олдида айланиб ўтиш, ер ости ўтиш йўлларида фойдаланиш;

— ота-онангизсиз, ёлғиз ўзингиз кетаётган бўлсангиз, кўчани яхшиси кўпчилик билан бирга кесиб ўтинг;

тўхтаб турган машина катта тезликда келаётган бошқа машинани тўсиб қолиши мумкинлигини доимо эсда сақланг (энг оддий ҳол — автобус ёки троллейбус уни олдида айланиб ўтаётганингизда ҳаракатдаги бошқа машиналарни тўсиб қўяди);

— кўчада кетаётганда фақат йўлқадан юриш керак (йўлка бўлмаса, машина ҳаракатига

## O'zimizni o'zimiz asraylik

транспорт фидираклари остида қолиш эҳтимоли пайдо бўлади. Машина бирданга тўхтаб олмаслигини доимо эсда тутиш лозим.

Автобус, троллейбус, трамвай ёки метрода кетаётганда ўзингизни қуйидаги талабларга риоя қилишга ўргатинг:

— ўтиришга бўш жой бўлмаса, салоннинг ўртасига бориб туринг. Ҳаракат вақтида тутқични ушлаб олинг, кескин тўхташга тўғри келиб қолса, мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушишингиз ёки бирор ерингизни уриб олишингиз мумкин;

— буюмларингизни эсдан чиқарманг;

— тушиш жойини тўсиб

бўлганда эҳтиёт очиш жойи орқали эшикларни очишга ҳаракат қилинг, бунинг иложи бўлмаса ён ойналарни синдириш ёки махсус шнурни тортиб авария йўли сифатида ойнани очинг, ҳар қандай вазиятда ҳам транспорт воситаси тўхтамагунга қадар ўз жойингизни тарк этманг;

— ёнаётган транспорт воситасидан чиқиб олганингиздан сўнг атрофдагиларга ёрдам беришга шошилиш, бунда трамвай ва троллейбуснинг металл қисмларига тегиб кетишдан эҳтиёт бўлинг, чунки машинанинг изоляция қисмлари ёниб кетганлиги сабабли юқори кучланиш остидаги қисмлари очилиб қолиб ток уриши мумкин;

— ҳар қандай ҳолатда ҳам ваҳимага тушмасликка ҳаракат қилинг.

Йўл-транспорти ҳодисасига гувоҳ бўлган ёки унинг қатнашчилари учун бир нечта мажбурий қоидалар бор. Улар билан танишиб қўйсангиз зарар қилмайди:

1. Ҳар қандай ҳолда ҳам жабрланган одамни ёрдамсиз қолдирманг (бундай ҳол жиноят ҳисобланади).

2. Тезликда содир бўлган ҳодиса ҳақида Давлат автоинспекцияси назорати (ДАН) ходимларига хабар қилиш керак.

3. Машина босиб олиши ёки йўл-транспорт ҳодисаси гувоҳи бўлиб қолсангизу ҳайдовчи қочиб кетса, машинанинг номери, маркаси, рангини ва ҳайдовчининг эслаб қолишга ҳаракат қилиш лозим бўлади.

Захро ИЛЁСОВА,  
Фуқаро муҳофазаси  
институтини ўқитувчиси

## ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

қарама-қарши йўналишда кўчанинг четидан юриш лозим, шунда фақат йўловчи сизни эмас, сиз йўловчини ҳам кўрасиз);

— болаларнинг йўлкада ёки йўлнинг машина қатнови давом этаётган қисмида турли ўйинлар ўйнашлари мумкин эмас. Бундай ўйинлар кўпинча йўл-транспорти ҳодисаларига сабаб бўлади.

Шаҳар транспорти бекатларида кўплаб йўловчилар тўпланадилар. Автобус, троллейбус ёки трамвай келиб тўхтагандан сўнг, одамлар қандай қилиб бўлса ҳам транспортга чиқиб олишга ҳаракат қиладилар. Кимдир ўз ҳаётини хавф остига қўйиб кўчанинг ҳаракат давом этаётган қисмига чиқиб қолади, кимдир тўдадагилар туртиб чиқариб юбориши мумкин ва натижада сабрсиз йўловчининг

қўймасликка ҳаракат қилинг, тикилинч вақтида эшик яхши ёпиламай қолган бўлса, сизни итариб тушириб юборишлари эҳтимоли йўқ эмас;

— эшикларга суяниб туриш, зинада кетиш мумкин эмас;

— ҳаракат вақтида ухлаб қолманг, бекатингиздан ўтиб кетиш хавфидан ташқари, машина кескин тўхташга тўғри келиб қолса, жароҳат олиш хавфи ҳам мавжуд.

Агар автобус, троллейбус ёки трамвайда ёнғин чиқиб қолса, бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш керак?

— ёнғин тўғрисида ҳайдовчининг тезликда огоҳ қилиш керак, бунда ҳайдовчининг бутун диққат-эътибори йўлда эканлигини унутманг;

— фавқулодда ҳодиса содир



## ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ХОР БЎЛМАЙДИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши барча таълим муассасалари ҳаётига муҳим бир тадбир сифатида кириб борди. Асосий Қонунимизнинг асл моҳиятини бошқа олий ўқув юртига нисбатан чуқур ва мукамал ўргатадиган Тошкент Давлат юридик институти “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси катта ўқитувчиси Улуғбек Ҳотамов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни баён этди:

— Фармойиш ўз вақтида эълон қилинди. Фуқароларимиз Конституцияни қай даражада билишлари маълум. Ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини талаб даражасида англамаган фуқаро жамиятда ҳам ўз ўрнини, мавқеини тўғри белгилай олмайди. Конституциямиз эса ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳаётдаги, жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчларини қонунан қафолатлайди, ҳимоялайди. Демак, катта-кичик, ёшу қари ўз мустақил давлатининг бош қонунини ўрганиши, амал қилиши керак.

Институтимиз ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаётган таянч олий ўқув даргоҳи бўлгани боис таълим жараёнида Конституциямиз анчайин чуқур ўргатилади. Бакалавриатура ўқув режасига “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” курсидан 195 соатлик, “Конституциявий ҳуқуқ” курсидан 138 соатлик, “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” курсидан 57 соатлик, “Хорижий мамлакатлар ҳуқуқи” курсидан 97 соатлик дарс ва амалий машғулотлари киритилган. Бакалаврликнинг сиртки таълимида ҳам ўқув режаси шу тахлитда олиб борилмоқда.


Олий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратурада Конституцияни ўрганиш бир қадар такомиллашган бўлиб, биринчи босқичдан фарқланади. “Қиёсий конституциявий ҳуқуқ”, “Конституцияни татбиқ этишнинг сиёсий-ташқилий асослари”, “Вакиллик

органларини ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий муаммолари”, “Хорижий мамлакатлар марказий давлат органларининг Конституциявий асослари” курсларининг ҳар биридан 72 соатлик назарий ва амалий машғулотлар жорий этилган.

Кўриниб турибдики, Конституцияни жуда кенг доирада ўрганиш мумкин. У бошқа фанлар билан узвий алоқада бўлиб, талабалар таълим жараёнида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар — Қонунлар (асосий конституциявий, таркибий, оддий, факулдда) ижроия ҳокимиятининг норматив актлари, конституциявий назорат органларининг норматив актлари, Парламент регламентлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари актлари, суд прецеденти ва ҳоказоларни ўрганишади.

Конституциявий ҳуқуқ уч хил маънода — ҳуқуқ тармоғи, илм ва ўқув курси сифатида қўлланилиши ҳар бир талаба онгига етказилади. Конституциянинг бошқа таълим муассасаларида ҳам чуқурроқ ўрганилиши, ўйламанки, ёшларимизнинг юксак даражада онгли, ҳур тафаккурли, ўз ҳақ-ҳуқуқларини жамият манфаатлари билан уйғун тарзда ҳис қиладиган даражада улғайишларини таъминлайди. Бундай муваффақиятга яқин йилларда, фармойиш ижросига қатъият билан киришганимиздан сўнг, албатта, эришамиз.

Ҳ.ТҶИМАНОВА ёзиб олди.



Шайхонтоҳур туманида “Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод” шаҳар кўрик-мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда Кўкча маҳалласидаги 192-мактабнинг “Соғлом авлод”, Лабзак маҳалласидаги 137-мактабнинг “Умидли фарзандларимиз”, Шоилхон Шоюсупов номидаги маҳалладаги 39-мактабнинг “Истиклол”, Ёқуб Зиёев номидаги маҳалладаги 320-мактабнинг “Аланга”, Янгиобод маҳалласидаги 84-мактабнинг “Истиклол ворислари”, Чўлпон ота маҳалласидаги 157-мактабнинг “2+1” гуруҳлари ёшлари иштирок этдилар.

Ўз маҳалласи тарихини ўрганиш, унга бўлган муҳаббатни ошириш, маҳалла Ватанимизнинг бир бўлаги эканини тушунтириш, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматларини шакллантириш, маънавий ва мафкуравий тушунчаларини бойитиб бориш, миллий ва ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни, бир-бирларига бўлган меҳр ва ҳурматни шакллантириш бош мақсади бўлган мазкур кўрик-мусобақа тўртта шарт асосида ўтказилди. Ҳар бир шарт учун 20 балл белгиланган кўрик-мусобақада энг кўп — 78 балл тўплаган Янгиобод маҳалла-

сидаги 84-мактабнинг ўқувчи-ёшлари биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин 39-мактаб ёшларига, учинчи ўрин 320-мактаб ўқувчиларига насиб этди.

Ғолиб гуруҳ ва унинг аъзолари ҳомийларнинг эсдалик совгалари, гуруҳни тайёрлаган ўқитувчи, ташкилотчилар, маҳалла фаоллари ТШХТББнинг махсус совгалари билан мукофотландилар.

Ш.НИШОНОВ

Суратларда: кўрик-мусобақадан лавҳалар акс этган.  
Р.АЛЪБЕКОВ  
олган суратлар.



Зардушт мана бир неча минг йиллардан бери инсоният ақлини ҳайратга солиб келмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг 1999 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган сессиясида 2001 йилда бутун дунёда муқаддас “Авесто” ёзма ёдгорлигининг 2700 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Президентимиз

нинг 2000 йил 29 март кундаги Фармонида кўра, 2001 йил кузида мамлакатимиз миқёсида ҳам “Авесто”нинг 2700 йиллиги кенг ва тантанали нишонланиши кўзда тутилган.

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг доценти, философ олим

ҳам илмий, ҳам бадиий образлар орқали ёритилган бўлиб, буларнинг ҳам мазмунан ўзаро боғлаб берилганлиги китобхонда бу ўлмас ёзма ёдгорлик тўғрисида изчил тасавурлар ҳосил қилишга хизмат қилади.

“Дунё афсоналарда акс этганида” бобидаги бир қатор

Ганжавий, Алишер Навоийлар томонидан яратилган тоштарош Фарҳод образининг энг қадимий илдизи қаерга бориб тақалишини жуда ажойиб тарзда кўрсатиб бера олган.

Инсоният тарихида шундай ҳодисалар бўлиб ўтганки, уларнинг тарихий аҳамияти-

Китобда бу муқаддас ёзма ёдгорлигининг ватани, унинг қандай қилиб Ҳиндистонга бориб қолганлиги ва кейинчалик Оврупога кенг тарқалгани ҳақида тарихий далилларга асосланиб фикр юритилади.

Китобда баъзи ғализ жумлалар, имло хатолар, қайтариқлар ҳам учраб туради. Лекин булар асарнинг мавқеини пасайтира олмайди.

Ўзлигимизни англашда, буюкликка, эртанги кунга теран нигоҳ ва ишонч билан боқишимизда “Авесто” бизга беқиёс маънавий ва руҳий озуқадир.

Жўракул МАҲКАМОВ,  
фалсафа фанлари  
номзоди, доцент,

Суннатулла РИЗАЕВ,  
филология фанлари  
номзоди, доцент

## МУҚАДДАС «АВЕСТО» ИЗИДАН

ва ёзувчи Тоҳир Каримнинг “Муқаддас “Авесто” изидан” номли илмий-бадиий қиссаси “Чўлпон” нашриёти томонидан кирилл ва янги ўзбек алифболарида чоп этилди.

Китобдаги “Искандар ва Фаразмон”, “Анкетил Дюперрон жасорати”, “Дунё афсоналарда акс этганида”, “Зардушт ва унинг замони”, “Сўнгсўз ўрнида” боблари

Авестога оид афсоналар ҳозирда ҳам Қўйи Амударё ҳудудлари халқлари орасида мавжуд эканлигини далиллар билан исбот қилиб бера олганлиги таҳсинга сазовор иш бўлган. Хусусан Гандарва (ибليس қиёфали дев) образи, айниқса, Пархат образи ўзбек китобхонларини ҳаяжонга солиши аниқ. Чунки муаллиф буюк Низомий

ни англаш жараёни кишиларнинг ўз-ўзини англаш жараёни сифатида намоён бўла боради. Ана шу кишилик тарихининг тақдирини белгилаб берган жаҳоншумул ҳодисалардан бири, шубҳасиз, инсоният маънавий тараққиётининг такомил босқичларидан бири бўлмиш муқаддас “Авесто”нинг ўлмас ғоялари ҳисобланади.



Дарса ўқувчилар фаоллиги ва ҳозиржавоблигини ошириш учун ўқитувчи уларни мактабга келган кунларидаёқ мустақил фикрлаш ва ишлашга тайёрлаши керак. Дарсни ижодий шаклда ташкил этиш ўқувчиларнинг мустақил ишларини уюштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўқувчиларда мустақил амалий меҳнат куникмаларининг эрта шаклланишини назарда тутати. Дастлабки даврда ўқувчи мустақил ишлашга анча қийналади, лекин ўқитувчининг тўғри ва аниқ йўлланмаси унда шу ишга қизиқиш уйғотади. Мустақил ишларни уюштирган ўқитувчи анализ-синтез, қарама-қарши қўйиш, аналогия-дедукция каби усуллардан фойдаланса, ўқувчилар учун тушунарли ва осон бўлади.

Масалан, ўқитувчи нарсалар ҳақида тушунча берганда, болалардан баланд-паст, тор-кенг, узун-қисқа каби қарама-қарши маъноли сўзларни топишни талаб этади. Болаларни уйлаб, сўнг жавоб беришларига имкон бериш, айрим ҳолларда кумаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш лозим.

1-синфда бажариладиган иш-

## МУСТАҚИЛ ИШЛАШГА ЎРГАТИШ

лар купроқ уйин шаклида ташкил этилса, болаларнинг осон узлаштиришлари кузатилади. Бу педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри саналган усул. Бола шахсининг камол топишида уйиннинг катта аҳамият касб этишини назарда тутиш, уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, фаоллиги ва мустақиллигини пухта таъмин этишга ёрдам беради.

Мустақил фаолият ўқувчида идроклиликни таркиб топтиради. У оддийликдан мураккаблаштириб борилади. Унинг турларини тез-тез узгартириб туриш яхши натижа беради. Масалан, ўқитувчи курсидаги гулдонга бир дона гул қўяди ва болалардан гулдаста тайёрлаш учун нима қилиш кераклигини сўрайди. Болалар гулдастада бир нечта гул булишини, уни тайёрлаш учун гулдондаги гулга яна гуллар қўйиш кераклигини айтадилар. Шу жараёнда улар узлари билган гул номини айтадилар. Ёки саватга олма, ноклар солиб, уларнинг ранги, таъми, шаклини айттириб, яна қандай меваларни саватга солиш мумкин, деб

сўралади.

Ўқув йили давомида тарқатиб бериладиган қоғозлар (карточкалар) билан ишлаш — гап тузишда кесма ҳарфдан ёки бугин, сузлар, рақамлар ёзилган қоғозчалардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, ўқитувчи “Биз гуллар тердик” гапидаги биз сузини кесма ҳарф билан ёзади, гуллар сузи урнига бир неча гул расмини қўяди, кейин тердик сузини ёзади. Худди шундай усул билан ўқувчиларга ҳам бир неча гап ёздирилади. Бу иш 7 ёшли болалар учун ҳам уйин, ҳам ўқув машғулотиридир.

### Tajriba, sinov, natija

Мустақил ишлашда ўқувчиларни ёнидаги уртоғининг ишидан нусха олмасликка, ишни кунт билан ўзи бажаришга одатлантириш зарур.

Савод ургатиш даврида дидактик материалларнинг нутқ устиришдаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу даврда ҳам болаларнинг ақлий жиҳатдан қузатувчанлигини, нутқий ривожланишини ва та-

фактурини устириш узаро боғлиқликда олиб борилади.

Ўқувчилар фақат ўқитувчи раҳбарлигида эмас, балки узлари ҳам мустақил ишлашга урганиб борадилар. Шу мақсадда биз қузатган ҳар қайси дарсимизнинг 8-10 дақиқасини мустақил ишлашга ажратдик. Дарсининг бир қисмини қизиқарли уюштиришда ҳам дидактик материаллар катта ёрдам берди. Савод ургатиш даврида дидактик материаллардан фойдаланиш нутқ устиришнинг асосий манбаларидан бири бўлди. Дастлабки машғулотларда тағига бугин ва сузлар ёзилган турли, тарқатиб бериладиган расми қоғозлар (карточкалардан) фойдаландик. Болаларнинг ҳали ўқиш-ёзишни билмасликларини ҳисобга олиб, бундай расми карточкаларни гуруҳларга бўлиб, хат жилдларга солидик. Ҳар бир хат жилдда шу нарсанинг номини ёзиб, расмини ёпиштирдик. Бу хат жилдларни ўқувчиларга тарқатдик. Болалар хат жилд ичидаги нарсани расмини унинг устига ёпиштирилган расмга қараб, хилларга ажратадилар. Кейинчалик уларда ўқиш малакаси ҳосил

қилинган, хат жилд устидаги ёзувга қараб топадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг шу қоғозларда тасвирланган расмлар билан таниш ёки таниш эмаслигини кузатади. Уларга бу расмлар ҳақида қисқа ва тушунарли саволлар беради. Масалан, хат жилдлар ичидан уй ҳайвонларининг расмларини олиш ва тағидаги сузни ўқиш вазифаси топширилади. Болалар ўқитувчининг топширигини бажарадилар: расмларни олиб, сузларни ўқийдилар. Агар сузнинг бош ҳарфи ёки бир бугини туширилган бўлса, нуқталар урнига унга мос ҳарф ёки бугинни кесма алифбодан топиб тулдирадилар.

Хат-савод ургатиш даврида болалар фаолиятини тўғри йўналтириш учун улар билан ҳамкорлик, яқиндан мулоқотда бўлиш, топшириқлар турини танлаш ва ҳар бир ўқувчига мосини дарс оралигида, унинг сунгги босқичида бериш ва ўқитиш, ёздириш ишларини улар руҳини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш қузатув ишларимизда самарали натижа берди.

**Орзикул РАИМОВ,**  
**Жиззах шаҳридаги**  
**махсус интернат**  
**ўқитувчиси**

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Газетамизнинг ўтган сонидида хабар қилинганидек, пойтахтимиздаги “Шеротон — Тошкент” меҳмонхонасида “Таълим ва демократия — 2001: ривожланиш ва ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида халқаро анжуман уч кун давом этди.

Ушбу анжуман давомида унинг ташкилотчилари Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармаси — Ўзбекистон ҳамда Тошкент ижтимоий маърифат марказининг таълим соҳасидаги “Хуқуқий таълим”, “Бахслар”, “Иқтисодий таълим”, “Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш”, “Street Law” (“Оммавий ҳуқуқ”), “Фуқарошунослик ва иқтисодиёт бўйича лагер ўтказиш”, “Ўқитишнинг интерфаол усулларини ривожлантириш”, “Мактабларни ривожлантириш” каби ҳамкорлик дастурларининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда аниқ маълумотлар ҳам келтирилди. Масалан, “Хуқуқий таълим” дастури 1998 йилдан буён ишлаб, ушбу 3 йил давомида 36 та семинар ўтказилди ва унда 724 нафар ўқитувчи малака оширилди. “Street Law” дастури эса 1999 йилдан ишлаб, бу дастур бўйи-

ча ўтказилган 5 та семинарда 124 нафар тингловчи ўз билимларини оширдилар. Мазкур дастур доирасида республика Халқ таълими вазирлиги, ОЖИ ва ТИММ ҳамкорлигида 10-11-синфлар учун ўзбек ва рус тилларида “Хуқуқшунослик” дарслиги, ўқитувчилар учун услубий қўлланма тайёрланди. Бу дарсликни синовдан ўтказишда республи-

### Xalqaro anjuman

камизнинг 26 та мактаби иштирок этиб, мазкур илм масканларидаги 2046 нафар ўқувчи Сорос жамғармаси томонидан дарсликлар билан бепул таъминланди. “Фуқарошунослик ва иқтисодиёт бўйича лагер ўтказиш” дастури асосида 1997 йилдан буён 400 нафардан ортиқ юқори синф ўқувчилари ва 50 нафар ўқитувчи учун 4 та ёзги лагер ташкил этилди. Анжуманда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг 1-котиби, Британия Кенгаши директори Майкл Мур анжуман иштирокчиларини ОЖИЖ — Ўзбекистон ҳамда Британия Кен-

гашининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги меваси — “Fly High” инглиз тили дарслиги билан таништирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, анжуманнинг кейинги кунлари ҳам ўта сермазмун ўтиб, қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлди. Гуруҳларро ўтган шўъба мажлисларида халқаро экспертлардан Ежи Вишневски, Кшиштоф Становски (Польша), А.Пересыпкин (Белорусь), Ундрал Гомборож (Монголия), Н.Бахмутова (Қозоғистон), Н.Шабунц (Туркменистон), А.Нечипорук (Украина)ларнинг чиқишлари қизиқарли бўлди.

Мазкур анжуман фуқаролик таълим соҳасида тажриба алмашиш, давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг ҳамкорлигини ривожлантириш, таълим муассасаларида ўқитишнинг фаол услубларини қўллаш каби вазифаларини ўз олдига қўйган эди ва ўйлаймизки, бу борада кўзланган мақсадларга эришилди.

**Нурлан УСМОНОВ**



### So'rang, javob beramiz

**Ҳурматли таҳририят!**

**Сувни тежаш ҳақида кўп ёзясизлар, бунинг учун раҳмат! “Авесто”да табиати, жумладан сувни исроф қилганларни қаттиқ жазоланиши айтилган. Бугунги бирор қонун ёки ҳужжатларда сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган кишиларга жазо чоралари белгиланганми? Шу ҳақда ахборот берсангиз.**

**Ў.Турдиева, Навоий вилояти**

Сизнинг саволингизга жавобни “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси (1998 йил 1 декабрда бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан қайта нашри)дан олдик:

**74-модда.** Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш Табиий сув манбаларидан (дарё, сой, қўл, булоқ, ер ости сувларидан) сув олиш қоидалари ва лимитларини

## СУВНИ ИСРОФ ҚИЛГАНГА ЖАЗО БОРМИ?

бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган табиий сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ирригация тармоқларидан сув олиш қоидаларини бузиш тарзида сувдан хўжасизларча фойдаланиш, Гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитлари ва режаларини бузиш, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4 - 5 сон, 126-модда).



Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини малакасини ошириш институтида иш қизғин кетмоқда. Чунки бу ерда Республикамининг турли вилоятларидан келган халқ таълими ходимлари ўз билимларини ошириш баробарида ўзаро тажриба ҳам алмашишади. Институтнинг ХТБ ва мактабшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Муборакхон Маннопова шундай деди:

—Айни пайтда ишлар жуда кўп. Албатта мактаб директорлари билан ишлаш уларга кўзлан-

ган тажриба, малакани бериш осон эмас, чунки улар оддий ўқитувчи бўлмай, бир жамоанинг раҳбаридир. Асосийси, улар мана шу қисқа ўқув вақти давомида етарлича билим, тажриба алмашиб қайтсалар ўз олдимишга қўйган мақсадга эришдик, дея оламыз.

Суратларда: А.Авлоний номидаги ХТХМОМИнинг ХТБ ва мактабшунослик кафедраси катта ўқитувчиси Муборакхон Маннопова иш устида.

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**







## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олий ўқув юртларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанлари бўйича ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида самарали фойдаланилаётган маъруза матнлари рўyxатини

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 7-бетда)

ва сертификациялаш 61. Информатика	доц. Якубов Х. доц. Сагаатов М.В., доц. Якубов Х.	ТТУ	96. Нефт ва нефтни қайта ишлаш технологияси	кат. ўқ. Одилова К. проф. Абдуқодиров А.А., доц. Исмаилов Д.Н.	ТКТИ
62. Машиналарни лойиҳалаш асослари	проф. Шообидов Ш.А.	ТТУ	97. Силикат ва зўрға суогувчан материаллар физик кимёси	доц. Исмаилов А.А., доц. Алимжонов Ж.И.	ТКТИ
63. Назарий механика	доц. Валиев М.А.	ТТУ	98. Боғловчи моддалар кимёвий технологияси	проф. Отақўзиёв Т.А., доц. Мухамедбаева З.А.	ТКТИ
64. Электротехника назарий асослари	проф. Рашидов Й., доц. Абдиев К.Т., доц. Колесников И.К.	ТТУ	99. Кимёвий технологиянинг назарий асослари	проф. Мирзаев Ф.М., проф. Отақўзиёв Т.А., доц. Шарофов А.Т.	ТКТИ
65. Саноат иссиқлик энергетикаси	доц. Якубов С.И.	ТТУ	100. Инновацион менежмент	проф. Исмаилов П.Р., доц. Габриелян Н.А., доц. Султонқўзаев О.А.	ТКТИ
66. Машиналарни лойиҳалаш асослари	Вахабов А.А., доц. Махаммов Т.Х.	ТТУ	101. Менежмент	доц. Султонқўзаев О.А. проф. Хамидов Н.И., доц. Султонқўзаев О.А.	ТКТИ
67. ЭХМ	проф. Ганиев С.К., доц. Каримов М.М.	ТТУ	102. Ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш технологияси	проф. Қодиров И.К., асс. Саидов Г.	ТКТИ
68. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	доц. Ерматов Г.Ё., Исамухамедов Ё.У.	ТТУ	103. Курилиш материаллари ва буюмлар	проф. Смигов Н.А. доц. Саидий С.А.	ТАҚИ
69. Учиш аппаратлари деталларни ишлаб чиқариш технологияси	проф. Усмонов К.Б.	ТТУ	104. Курилиш механикаси	доц. Халилов Р.Р.	ТАҚИ
70. Учиш аппаратлари ва авиадвигателларини техник эксплуатацияси	ўқ. Ортиқов М.О.	ТДАИ	105. Ташкилот назарияси 1-2 қисм	проф. Абдурашидов К.С.	ТАҚИ
71. Деҳқончилик	доц. Шералиев Х., доц. Шодмонов М.	ТДАИ	106. Метрология, стандартлаш ва иншоотларни синаш	доц. Бозорбоев Н. доц. Файзиёв Х.М.	ТАҚИ
72. Ўсимликшунослик	проф. Атабаева Х., проф. Умаров М., доц. Алимов А., доц. Халимов И.	ТДАУ	107. Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси	проф. Абдуғалиев Э.Б. доц. Махмудова Н.А.	ТАҚИ
73. Селекция и семеноводство полевых культур	доц. Шамсутдинов Ш., асс. Раҳманқуллова М.	ТДАУ	108. Курилиш ишлаб чиқариш технологияси	доц. Жўраев Д.О.	ТАҚИ
74. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш, метрология ва сертификациялаш асослари	проф. Бўриев М., доц. Ризаев Р.М., асс. Исмоилов Х.У., асс. Абдиқоимова З.А.	ТДАУ	109. Техник термодинамика	доц. Қосимова С.Т.	ТАҚИ
75. Дала маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси	проф. Бўриев Х.Ч., доц. Жўраев Р., доц. Алимов О.	ТДАУ	110. Боғловчи моддалар	доц. Нуриддинов Х. доц. Ешбоев Р.Е.	ТАҚИ
76. Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги	проф. Бўриев Х.Ч., доц. Дўсмуродов С.И.	ТДАУ	111. Геодезтик ўлчамларни математик қайта ишлаш назарияси	проф. Ашурова Д.У. доц. Матёқубов Ж.И., кат. ўқ. Тўхтақўзаева З.	ТАҚИ
77. Сабзавотчилик	доц. Қодирқўзаев Х.Қ., доц. Отақўзаев А., доц. Мухамедов М., доц. Асатов Ш.И.	ТДАУ	112. Атроф-муҳит муҳофазаси ва шаҳар иқлимшунослиги	кат. ўқ. Худойберганаева М.Г., доц. Сатторов М.С.	ЎЗДЖТУ
78. Ўрмон таксацияси ва ёғочшунослик	ўқ. Адиллов А., асс. Тараева Т., доц. Мухаммадиев Д.	ТДАУ	113. Иссиқлик техникаси ва иссиқлик техник ускуналари	доц. Сатторов М.С. доц. Сатторов М.С.	ЎЗДЖТУ
79. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	проф. Саматов Ё., доц. Эгамбердиев А., доц. Бозоров Б.	ТДАУ	114. Инженерлик геологияси	доц. Бақилқоя Д.В. доц. Пан Г.В.	ЎЗДЖТУ
80. Микроиктисодиёт	доц. Комилов Й.Т.	ТДАУ	115. Стилистика	доц. Дадақўзаева, доц. Сатторов М.С.	ЎЗДЖТУ
81. Макроиктисодиёт	доц. Нурмухамедов Д.И., проф. Кимсанбоев Х.Х., доц. Юсупов А.Х., асс. Мурадov Б., асс. Тожиёва М.	ТДАУ	116. Лексикология	доц. Сатторов М.С. доц. Нишанов М.Н.	ЎЗДЖТУ
82. Қишлоқ хўжалик энтомологияси	доц. Садратов Р.К., доц. Зупаров М.А., доц. Холмуратов Э.А., асс. Раҳимов У.Х.	ТДАУ	117. Таржима назарияси	доц. Ирисқулов М.Т.	ЎЗДЖТУ
83. Умумий фитопатология	доц. Аҳмедов Н., доц. Нодиралиева Х., асс. Каримов С.	ТДАУ	118. Герман тилшунослигига кириш	доц. Мўминов О.М.	ЎЗДЖТУ
84. Ипак қурти селекцияси. Туг ипак қурти уруғчилиги	доц. Хаитбоев Х.Х., доц. Каримов М.У., доц. Ражабов Б.Б.	ТДАУ	119. Назарий грамматика	доц. Мўминов О.М.	ЎЗДЖТУ
85. Агрокимё	проф. Даронов К.Д., проф. Зупаров М.А., доц. Номозов Х.К.	ТДАУ	120. Стилистика	доц. Қамбаров Н.Қ.	ЎЗДЖТУ
86. Тупроқшунослик	проф. Даронов К.Д., доц. Турабова Я.У., доц. Зупаров М.А.	ТДАУ	121. Стилистика	доц. Матёқубов Ж.И.	ЎЗДЖТУ
87. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси	проф. Зарипов Б.З., асс. Маннапова М.И.	ТДАУ	122. Лексикология	доц. Мўминов О.М.	ЎЗДЖТУ
88. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси	кат. ўқ. Раҳимова Я.	ТДАУ	123. Назарий фонетика	доц. Жоллыбеков Б. доц. Исмаилов Қ.	ҚҚДУ
89. Бухгалтерия ҳисоби	доц. Деҳқонов С., доц. Дўсмуродов Р.	ТДАУ	124. Таржима назарияси ва амалиёти	асс. Абдуллаев Х. доц. Холмуратов Қ.	ҚҚДУ
90. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби статистика асослари	проф. Фуломов С.С.	ТДАУ	125. Қиёсий типология	проф. Отаров А. доц. Раджапов А.	ҚҚДУ
91. Маркетинг асослари	проф. Фуломов С.С.	ТДАУ	126. Назарий грамматика	доц. О.Умаров Усмонов Я.	ҚҚДУ
92. Тадбиркорлик асослари ва кичик бизнес	доц. Кушаева Г.А.	ТДАУ	127. Лексикология	доц. Исроиловжонов С. кат. ўқ. Қурбанова М.М., доц. Қаҳқаров С.	ҚҚДУ
93. Менежмент асослари	проф. Абдуазизов А.А.	ТДАУ	128. Мамлакатшунослик	кат. ўқ. Негматов Б., асс. Дадажанов Б.	НавМИИ
94. Предпринимательство и малый бизнес	доц. Шереметьев А.Г.	ТДАУ	129. Назарий фонетика	асс. Қуймурадова М. Махаммадов И.	НавМИИ
95. Хорижий филология	доц. Исмоилова К.	ТДАУ	130. Стилистика	доц. Набиев Х.Н. доц. Махмудов С.	НавМИИ
96. Хорижий филология	доц. Худайкова Н.К.	ТДАУ	131. Таржимонлик мутахассислигига кириш	доц. Раҳманов А., доц. Мащраббаев А.	НавМИИ
97. Журналистика	доц. Улмасов Т.	ТДАУ	132. Электр ва магнетизм	доц. Мелибоев У.Х.	НавМИИ
98. Иқтисодиёт	проф. Алимухамедов Ш. проф. Носиров И.	ТАЙИ	133. Бухгалтерия ҳисоби	доц. Азизов И.Р. доц. Бурханов А.	НавМИИ
99. Машина деталлари	доц. Алимов З.	ТАЙИ	134. Курилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш	доц. Мурадov А.	НавМИИ
100. Амалий механика	доц. Махмудов Ф. доц. Азизов Қ.	ТАЙИ	135. Микроиктисодиёт	доц. Сирожиддинов И. проф. Саидбаев Ш.	НавМИИ
101. Материалшунослик	доц. Тожибоев А. доц. Бозоров Б.	ТАЙИ	136. Ҳисоблаш усуллари	кат. ўқ. Хўжақонов Х. кат. ўқ. Узаков М.	НавМИИ
102. Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар	доц. Убайдуллаева З.	ТАЙИ	137. Машина деталлари	кат. ўқ. Юнусов И. доц. Исроилов Р.	НавМИИ
103. Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари	проф. Эшонқўзаев А. доц. Уроков А.	ТАЙИ	138. Спорт иншоотлари	кат. ўқ. Юнусов И., доц. Шарипов Б., асс. Холмирзаев А.	НавМИИ
104. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари	проф. Абдуғафоров А.	ТАЙИ	139. Гидрокология	доц. Эш-назаров К. проф. Қаландаров Р.К.	НавМИИ
105. Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари	доц. Нарзиёв Ж. проф. Раҳмонбердиев Ф.Р., доц. Мавлонов М.Н.	ТАЙИ	140. Электротехника	кат. ўқ. Каримов Р. доц. Қорақонов А., Узоқова З.	НавМИИ
87. Иссиқлик техникаси	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	141. Инсон ички регуляцияси	кат. ўқ. Атоев Н. доц. Носиров У.Ф., доц. Норов Ю.Д., доц. Назаров З.С.	НавМИИ
88. Мухандислик геологияси ва гурунтлар механикаси	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	142. Электротехника ва электроника асослари	доц. Насриддинов И.Б., доц. Носиров У.Ф., асс. Раҳимов С.С.	НавМИИ
89. Транспорт тунелларини лойиҳалаш ва қуриш асослари	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	143. Менежмент	доц. Хушвақтов О. кат. ўқ. Қурбанов Р.	НавМИИ
90. Маркетинг тадқиқотлари назарияси	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	144. Маъмурий менежмент	кат. ўқ. Эш-ниёзова Ш. кат. ўқ. Қултаев Э.	НавМИИ
91. Миллий тизимлар ҳисоби	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	145. Иқтисодиёт назарияси	кат. ўқ. Шериев М. асс. Товбаев А.	НавМИИ
92. Миллий иқтисодиёт ва стратегик режалаштириш	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	146. Иқтисодий математик моделлар		НавМИИ
93. Сирт ҳодисалари ва дисперс системалар	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	147. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика		НавМИИ
94. Озиқ-овқат саноатининг асосий жараён ва қурилмалари	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	148. Тадқиқот усуллари ва воситалари		НавМИИ
95. Экология	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	149. Нотўқима матолар ишлаб-чиқариш технологияси		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	150. Материалшунослик		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	151. Машиналар динамикаси		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	152. Банк менежменти		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	153. Молия		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	154. Миллий ҳисоблар тизими		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	155. Бухгалтерия ҳисоби		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	156. Циталогия		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	157. Машина деталлари		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	158. Машиналар пухталигини таъминлаш ва ремонт		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	159. Статистика		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	160. Материалшунослик		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	161. Кончилик иши асослари		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	162. Геотехнология		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	163. Металлургияда иссиқлик техникаси ва энергетикаси		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	164. Металлургия асослари		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	165. Бухгалтерия ҳисоби		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	166. Назарий механика		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	167. Материалшунослик		НавМИИ
	доц. Тўйчиев И.С. доц. Турсунов Т.Т., доц. Ниязова М.,	ТАЙИ	168. Метрология ва стандартизация		НавМИИ

(Давоми 9-бет)







# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олий ўқув юртларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанлари бўйича ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида самарали фойдаланилаётган маъруза матнлари рўйхатини

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 7-8-9-бетда)

326. Сув ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги ҳисоблашлари	доц.Хикматов Ф.	ЎЗМУ	25. Учиш аппаратлари ва авиадвигателларини техник эксплуатацияси	проф. Ортиқов Н.О.	ТДАИ
327. Шаҳарлар географияси	проф.Солиев А.С.	ЎЗМУ	26. Пахтачилик	доц. Якубов М.М., доц.Рўзметов Р., доц.Ишчанов Р., кат.ўқ. Хайдаров У., кат.ўқ.Ашуров М.	ТДАУ
328. Адабиётшуносликка кириш	доц.Улуғов А.	ЎЗМУ	27. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш	проф. Кимсанбоев Х.Х., доц. Халилов К.Х., доц.Болтаев Б.С., асс. Б. Сулайманов.	ТДАУ
329. Семейное право	доц.Бурханова Л.	ЎЗМУ	28. Қорамолчилик	проф. Носиров У.Н., доц. Амантурдиев Г.Б.	ТДАУ
330. Социал тренинг асослари	кат.ўқ.Тошимов Х.	ЎЗМУ	29. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш технологияси	доц. Ойхўжаева Н.К., кат.ўқ.Саидхўжаев М.	ТКТИ
331. Тилшуносликка кириш I-II қисм	проф.Абдуазизов А.А.	ЎЗМУ	30. Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологиясининг назарий асослари	доц.Сапаев З.Ш.	ТКТИ
332. Ўзбекистон тарихи (тарих 1917-1945 й.)	проф.Холлиев Г.	ЎЗМУ	31. Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологиясининг биокимё асослари	проф.Абдураззоқов С.Х.	ТКТИ
333. Лексическая инвариантность языка	доц.Шереметьева А.Г.	ЎЗМУ	32. Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимларини лойиҳалашда ўзига хос усуллар	доц. Рашидов Ю.К. доц.Худойбергенова М.А.	ТАҚИ
334. История русского литературного языка	доц.Шереметьева А.Г.	ЎЗМУ	33. Темир - бетон конструкциялари	доц.Короли М.А.	ТАҚИ
335. Радио журналистика асослари	доц.Исмоилова К.	ЎЗМУ	34. Монтаж ишлари технологияси	доц.Қодирова Д.Ш.	ТАҚИ
336. Ақли заиф болалар психологияси	ўқ. Мамаедов М.	ЎЗМУ	35. Қурилиш материалларини синаш усуллари	доц. Толипов А.	ТАҚИ
337. Ҳозирги ўзбек адабиёти	доц. Юсупов Р.	ТДПУ	36. Кам қаватли турар жой биноси	доц.Боймухаммедов Б. доц.Хожиёв А.А.	ТАҚИ
338. Санъат тарихи	проф. Жамолхонов Х.	ТДПУ	37. Ҳозирги замон интерьерери ва жиҳозлари	доц.Хожиёв А.А.	НавММИ
339. Қозоқ адабиётини ўқитиш методикаси	доц. Толипов Н.	ТДПУ	38. Чарм буюмлари технологияси 1 ва 2 қисм	кат.ўқ. Қурбанова М.М.	НавММИ
340. Общая психология	доц. Қолдибоев Т.	ТДПУ	39. Тўқимачилик саноати маҳсулотлар технологияси		
341. История русской литературы (20-е годы)	проф. Давлатшин М.Г.	ТДПУ	40. Кон корхоналари электр ускуналари ва электр таъминоти	кат.ўқ. Махмудов А.М. асс. Эшмурадов З.С. кат.ўқ. Махмудов А.М. асс. Дуллаев Н.С.	НавДКИ
342. Ҳозирги ўзбек тили 4 та қисм	доц. Чикulina Н.А.	ТДПУ	41. Кон машиналари ва ускуналари	доц. Дуллаев Н.С. доц.Асқаров М. кат.ўқ. Сабдуллаев М. кат.ўқ. Клижнова Г.	НавДКИ НавДКИ НавДКИ БухООЕСТИ
343. Костюм ва мода тарихи	проф. Асқарова М.	ТДПУ	42. Нодир металллар металлургияси	доц. Турдиев М.Т. кат.ўқ. Фатхудинов З.А.	БухООЕСТИ
344. Лойиҳаларни молиялаштириш ва мониторинг	Хасанбоева Г.Х.	ТДПУ	43. Электр таъминоти	доц.Астов Н.	БухООЕСТИ
345. Хитой адабиёти тарихи	доц.Каримов Н.	ТДПУ	44. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	доц.Хамроқуллов Р. проф.Акрамов Б.Ш., доц.Жумаев Х., кат.ўқ.Ербобоев Т.	ЖизПИ
346. Афғонистон адабиёти тарихи	кат.ўқ. Л.Султонова	ТДПУ	45. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш	проф.Акрамов Б. доц.Жумаев Х.	КарММИ
347. Ҳинд мумтоз адабиёти тарихи	проф. А.М.Маннонов	ТДПУ	46. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	проф.Маматов Ф.М. доц.Темиров И.	КарММИ
348. Немис адабиёти тарихи	доц.Муҳибова У.	ТДПУ	47. Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси	доц.Носиров С.Ш. доц.Бозоров Р.Б.	КарММИ
349. Немис ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси	доц.Эрматов С.Э.	ТДПУ	48. Қурилиш конструкцияси	доц.Нуритдинов Б. проф.Эрназаров И.	КарММИ
350. Немис тили тарихи	доц.Саттаров М.С.	ЎЗДЖТУ	49. Нефт ва газ кони жиҳозлари	доц.Жонқобилов У. доц. Юнусов Р.Ю.	КарММИ
351. Таржима тарихи	доц.Саттаров М.С.	ЎЗДЖТУ	50. Нефт ва газ иши асослари		
352. Қорақалпоқ тили билими тарихи	доц.Муъминов О.М.	ЎЗДЖТУ	51. Қишлоқ ҳўжалик машиналари (1, 2 ва 3 қисм)	кат.ўқ.Турсунов С. доц.Қўлдошев О.	ФарПИ
353. Қорақалпоқ тилининг морфологияси	акд. Даулетов А.	ЎЗДЖТУ	52. Мелиорация ва қурилиш машиналари	кат.ўқ. Холбоев З.	ФарПИ
354. Ҳозирги Қорақалпоқ тили (синтаксис)	доц.Худойбергенов М.	ҚКДУ	53. Пахтачилик ва қайта ишлаш технологияси	доц.Алиязаров А. доц.Насриддинов А. доц.Қаюмов А.	НавМПИ
355. Қорақалпоқ тилининг синтаксиси	доц.Аланиязова Ш.	ҚКДУ	54. Агрометеорология	доц.Худякова Н.К.	НавМПИ
356. Ҳозирги Қорақалпоқ тили (синтаксис)	доц.Қульбаева Е.	ҚКДУ	55. Гидрология, гидрометеорология ва оқим ҳажми ростлаш	доц.Худякова Н.К.	ЎЗМУ
357. Қозоқ тилининг синтаксиси	доц.Бекетов Б.	ҚКДУ	56. Полиэтилен IV курс	доц.Горлина И.Г.	ТДМРХОМ
358. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили	проф. Мамажонов А.	ФарДУ	57. Қурилиш тузилмалари фанининг «ЕҒоч ва пластмасса тузилмалари» бўлими	доц.Мосин Н.П.	ТДМРХОМ
359. Общее языкознание	доц. Тиллабоев А.	ФарДУ	58. Оптик радиотўлқинли назорат		
360. Болалар психологияси	доц.Норбашева М.	ФарДУ	59. Иншоотларни синаш ва текшириш		
361. Мусиқа тарихи	доц.Раҳматуллаев Ш.Р.	ТерДУ	60. Иситиш ва вентиляция		
362. Ўзбекистон иқтисодий, иқтисодий географияси	проф.Рўзиев А.Р.	ТерДУ	61. Трактор ва автомобиллар тузилиши		
363. Этнография этногенез ва этник тарих	проф.Турсунов С.Н.	ТерДУ	62. Тармок машинасозлик технологияси (2 қисм)		
364. Манбаашунослик	кат.ўқ. Бекмуратов Х.	ТерДУ	63. Халқаро туризм		
365. Введение в литературу	доц. Илёсов Б.А.	ТерДУ	64. Балетместрлик санъати		
366. Мехнат ва касб танлов методикаси	доц.Иносов Б.И.	ТерДУ	65. Мусиқавий рақс адабиёти		
367. Умумий психология	доц.Жабборов А.Ж.	ҚарДУ	66. Маркетинг асослари		
368. История русского языка	доц.Ходжаева Л.В.	ГулДУ			
369. Назарий фонетика	кат.ўқ. Тен Эмма.В.	ГулДУ			
370. Она тили ва уни ўқитиш методикаси	доц.Рўзиев У.	ГулДУ			
371. Миллий уйғониш даври адабиёти	кат.ўқ.Ражабов М.Р.	ГулДУ			
372. Ҳозирги ўзбек адабий тили	проф. Қўличев Э.	БухДУ			
373. Ўзбек тили тарихи	проф.Неъматов Х.Ф.	БухДУ			
374. Ўзбек маърифий мумтоз атамалари	проф.Неъматов Х.Ф.	БухДУ			
375. Адабий танқид тарихи	проф.Абдуллаев	УрДУ			
376. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди	проф.Рўзимбоев С.Р.	УрДУ			
377. Чет тили ўқитиш методикаси	проф.Абдуллаев О.	НавДУ			
378. Немис тили лексикологияси	доц.Нурматов У.	НавДУ			
379. Немис тили стилистикаси	кат.ўқ. Турдиев Х.	НавДУ			
380. Ўзбек мумтоз адабиёти	доц.Жалилов Б.	АндДУ			
381. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти	доц.Солиев А.	СамДУ			
382. Назарий грамматика	проф. Орзиқулов Х.	СамДУ			
383. Назарий фонетика	доц.Исмаилов С.И.	СамДУ			
384. Герман филологиясига кириш	проф.Турсунов Б.Т.	СамДУ			
385. Педагогика тарихи	Махмудова М.М.	СамДУ			
386. Ҳозирги ўзбек адабий тили	доц.Бегалиев Н.	СамДУ			
387. Олмон адабиёти тарихи	кат.ўқ.Жаббаров М.	СамДУ			
388. Материал қаршилиги	доц.Мамажонов М.	НавММИ			
389. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси	доц.Тўраев С.	ТерДУ			
390. Ўрта олий мактабда ўқитиш методикаси	доц.Мирзаев Ч.Э.	ГулДУ			
391. Миллий рақсда образлар яратиш	доц.Муъминов А.Н.	ТДМРХОМ			
392. Санъат тарихи ва назарияси	доц.Мелькумова Э.И.	ТДМРХОМ			
393. Маркетинг ва менежмент асослари	кат.ўқ. Файзиёв Т.Р.	ТДМРХОМ			

### IV блок. Ихтисослик фанлари

1. Рангтасвир	кат.ўқ. Тожиев Б.	ТДПУ
2. Машинасозликда технологик жараёнларни лойиҳалаш	доц.Сафаев М	ТПЕСИ
3. Тўқимачилик машиналарини монтаж ишлари ва таъмирлаш	доц.Мухамедов М	ТПЕСИ
4. Тўқимачилик маҳсулотлари технологияси ва жиҳозлари I-қисм	доц.Матисмоилов С.Л.	ТПЕСИ
5. Тўқимачилик маҳсулотлари технологияси ва жиҳозлари II- қисм	проф.Муқимов С.Л.	ТПЕСИ
6. Технологик жараёнларни лойиҳалаш	доц.Икромов Ш.Р.	ТПЕСИ
7. Фирма фаолиятини режалаштириш	кат.ўқ.Усмонова М.У.	ТПЕСИ
8. Чарм буюмлар технологияси	кат.ўқ.Жўраев А.М.	ТПЕСИ
9. Тикув корхоналарини машина ва ускуналари	доц.Ходжаев С.С.	ТПЕСИ
10. Технологик жараёнларини лойиҳалаш	кат.ўқ.Шукүрова М.А.	ТПЕСИ
11. Технологик воситаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш	доц.Исмоилов А.А.	ТПЕСИ
12. Бухгалетрия ҳисобининг халқаро стандартлари	доц.Сафоев А.А.	ТПЕСИ
13. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари	доц. Хасанов Б.	ТМИ
14. Молия менежменти	доц. Норбеков Д.	ТМИ
15. Хусусийлаштириш асослари ва қимматли қозғалар	проф. Маликов Т.	ТМИ
16. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш	доц. Исмоилов К.	ТМИ
17. Банк иши	проф. Ангелиди М.	ТМИ
18. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника	доц. Абдуллаева Ш.	ТМИ
19. Жамғарма иши	кат.ўқ. Наврузова К.	ТМИ
20. Банк аудити	кат.ўқ. Омонов Х.	ТМИ
21. Иссиқлик электр станциялари	доц. Норқобилов С.	ТПУ
22. Машиналарни лойиҳалаш асослари	доц. Алимов Х.А.	ТПУ
23. Саноат электроникаси	проф. Каримов Р.И.	ТПУ
24. Машинасозлик технологияси	доц. Шойсламов Ш.Ш. проф. Алиқулов Д.Е. доц. Абдуллахонов Н.С.	ТПУ

#### Изоҳ:

1. ТДПУ - Тошкент Давлат педагогика университети
2. ТДШИ - Тошкент Давлат шарқшунослик институти.
3. ЎЗМУ - Ўзбекистон миллий университети.
4. ҚКДУ - Қорақалпоқ Давлат университети.
5. ФарДУ - Фарғона Давлат университети.
6. ТерДУ - Термиз Давлат университети.
7. БухООЕСТИ - Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технология институти.
8. ГулДУ - Гулистон Давлат университети.
9. АндММИ - Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти.
10. УрДУ - Урганч Давлат университети.
11. НамДУ - Наманган Давлат университети
12. НамМПИ - Наманган муҳандислик - педагогика институти.
13. АндДУ - Андижон Давлат университети.
14. СамДУ - Самарқанд Давлат университети.
15. СамДЧТИ - Самарқанд Давлат чет тиллар институти
16. АндДТПИ - Андижон Давлат тиллар педагогика институти.
17. ТДМРХОМ - Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби.
18. ЖизПИ - Жиззах Политехника институти.
19. БухДУ - Бухоро Давлат университети.
20. ТАҚИ - Тошкент архитектура- қурилиш институти.
21. ТАИИ - Тошкент автомобил йўллари институти.
22. ЎЗДЖТУ - Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети.
23. ТДАИ - Тошкент Давлат авиация институти.
24. ТДАУ - Тошкент Давлат аграр университети.
25. ТДИУ - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.
26. ТДТУ - Тошкент Давлат техника университети.
27. ТПЕСИ - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.
28. ТКТИ - Тошкент кимё-технология институти.
29. НавДКИ - Навоий Давлат кончилик институти.
30. ТДШИ - Тошкент Давлат шарқшунослик институти.
31. ТМИ - Тошкент Молия институти.
32. НамММИ - Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти.
33. ФарПИ - Фарғона политехника институти.
34. ҚарДУ - Қарши Давлат университети.
35. ҚарММИ - Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти.

#### Эслатма:

1. Келтирилган маъруза матнлари олий ўқув юртлари Илмий кенгашлари томонидан саралаб олинган ва вазирлик ҳайъати томонидан тасдиқланган.
2. Маъруза матнлари муаллифларига вазирликнинг махсус буйруғи билан мукофотлар тайинланди.
3. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари маъруза матнларига буюртма бериши мумкин.



Болалар адабиётига сиёсий лирика-ни усталик билан кирита олган, ўзгача йўналиш ва руҳ бахш этиб, ўзбек болалар адабиётининг забардаст устунларидан бирига айланган шоир Мир-азиз Аъзам ўз ижоди билан болалар диққатини қирқ йилдан бери ўзига жалб қилиб келмоқда. Унинг гоҳ ўйчан, гоҳ ўйноқи шеърлари бизнинг авлод-ни ҳам ҳайратга солган.

Унинг шеърлари болаларга сўзлар, фикрлар, иборалар фразеологизмлар ичига чуқурроқ кириб боришни ўргатади.

**Бир юзи қора,  
Бир юзи оқ,  
Бу не ибора?  
Бу не сабоқ?**

М.Аъзамнинг она Ватан, тил ҳақида-ги шеърлари фақат ўзигагина хосдир. Мана унинг "Тил дарси" шеъри:

**"Гуржи тилини биласизми?" — деди,  
"Гуржи тилини билмайман" — дедим.  
"Гуржи тилини ўргатайми?" — деди,  
"Ўргат!" — дедим.**

Бир лаҳзада ўзбек тўртта гуржи сўзини, гуржи эса тўртта ўзбек сўзини ўрганди. Кувноқ ва шўх, фақат болаларга хос ҳайрат билан ўтган бу дарс ҳеч бир бўёқсиз айнан кўчирилади ва шеър куйидаги сўзлар билан яқунланади:

Болалар! Сиз шундай қиласизми?  
Сизнинг шахрингизга меҳмон кел-са узоқ эллардан ўзбек тилини ўргата-сизми?

Бу сўз нафақат бола тилидаги шун-чаки гап, балки катталар учун танбеҳ-дир!

Шоир антиқа усуллардан фойдала-нишни, ўзи танлаган мавзуларга кутил-маган тарзда ёндашишни яхши кўра-ди. Унинг "Антиқа кўзи" ҳақидаги шеъ-рий достони ҳам ана шундай ўзига хос антиқа ёндашувдир. Файриоддий ҳоди-са — кўзи чўпоннинг найи овозидан ҳайратга тушиб, найи ўзи чала бош-лайди. Най эса уни ва дўстларини қат-тол бўрилар тўдасидан қутқаради. Кўрқоқ кўчқорлар эса сеҳрли найи бўрилар кўлига тутқаздилар. "Антиқа кўзи" ҳалок бўлади. Суд жараёни хоин кўчқор ва бўриларни қоралайди. Сўнг икки ўртада яраш оши ўтказилади. Эртақ болаларни аҳиллик амалиётига ўргатади. М.Аъзам қаламга олган мав-зулари кенг ва ранг-баранг, айниқса, унинг сўнгги йиллардаги ижоди ўзига хосдир.

Тарихнинг қайси нуқталари, қай бу-рилишларида шеърият тарғиботчи ва ташвиқотчи вазифасини ўтайди. Бу бу-рилишларда болалар шеъриятининг ҳам муҳим роли бўлиб, у болалар қал-бига ана шу ўзгаришлар ҳақида тасав-вур ҳосил қилишнинг ўз шаклини то-пиши зарур. Шу жиҳатдан олиб қарай-диган бўлсак, ўзбек болалар шоири Ми-разиз Аъзамнинг "Қирқ болага қирқ са-вол"и мустақиллик даврида вояга ета-ётган шахснинг ўзликни англаш жара-

ёнини чуқур ҳис қилдиришга ундайди.

**Қайси боғда қандай мева  
Қай чаманнинг гулисиз?  
Элингизнинг оти нима?  
Қайси миллат ўғлисиз?  
Юртимизни севасизми?  
Ўзбекмисиз, туркмисиз?  
Элни обод этасизми,  
Ё Ватанга юкмисиз?**

Шоирнинг алмашиб турувчи гоҳ од-дий, гоҳида мураккаб саволлари ёш жи-ҳатидан турли ёшдаги болаларга қара-тилгандир.

Умуман саволлардан иборат шеърлар-нинг баъзи бирларини шоир савол ичи-га киритган жавоб тарзида беради. Бу жа-воблар гоҳ шоирнинг ўй-фикрлари, гоҳ халқ ҳикматларидан тузилган. Шу билан бирга саволнома ҳақиқатни аксиома си-фатида эмас, балки мантиқий масала си-фатида ўртага ташлайди.

**Жасоратни олдга қараб юриш десак,  
Кўрқоқликни битта жойда туриш десак.**

Кўраюписизми, гўё масаланинг шarti берилгану, ечимини кутмоқда. Кейинги иккита савол эса масаланинг савол тар-зидаги ечимни, яъни бу ечимни ўқувчи ўзи

## БОЛАЛАР ШОИРИНИНГ МАЪНАВИЯТ СИНОВИ

текшириб кўриши керак.

**Ваҳимани қочиш десак бўладими?  
Ўлим йўлини очиб десак бўладими?**

Барча саволлар гоҳ тарқоқ, гоҳ бир-бирига боғлиқдек туюлса ҳам, аммо улар-нинг бирдан-бир вазифаси буюк юрт фарзандини тарбиялашга, унга буюк шахс фазилятларини пайванд қилишга қара-тилгандир.

Буюк шахс фазилятларини эса энг ав-вало ўзлик ва миллий қадриятлар, чуқур илдизлардан қидириш зарурлигини шоир бир дақиқа ҳам эсидан чиқармай-ди. Бунинг учун у бола тасаввурини, унинг мушоҳадаси ва нигоҳини гоҳ келажакка, гоҳ бугунги кунга, гоҳ кечаги тарихга йўналтиради. Биз ана шу саволлар зи-наполярларидан чиқарканмиз, уларнинг ҳар бирига ҳам болаларча, ҳам катталарча жавоб қидиришга ҳаракат қиламиз. Ҳам-манинг ўз ҳақиқати бўлгани билан асли тўғри жавоб битта. Аммо баъзи бир са-волларга жавоб топиш нафақат болаларга, балки биз катталарга ҳам жуда мушкул. Шоирнинг баъзи саволлари эса дунё фанида ҳам ечилмаган муаммолардир. Аммо болалар ижодкорларининг бугун-ги кунги вазифаси боланинг кенг мушо-ҳадасини айнан ҳали ечимини кутаётган ва дунёвий муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдир. Зеро, митти шахс, ана шу муаммоларни ечиш йўлини ҳали мурғ-аклигиданоқ бошлаши, ўзгалар дарди, оғригини сеза олишни ўрганиши ва шу дардди даволашга ҳаракат қилиши керак.

Шоир қиёс қилиш усулидан унумли фойдаланади. Бу усул айнан болалар мантиқий мулоҳаза ва мушоҳадасининг ривожини учун танланган услубдир.

**Не учун Форобий, Беруний десак,  
Гарчи гуруримиз тоғдай бўлса ҳам,  
Заррадай кўринмас бўлиб кетамиз?**

**Не учун Қошғарий, Навоий десак,  
Қалба суруримиз дарё бўлса ҳам,  
Қатрадай кўримсиз бўлиб кетамиз?**

Бу қиёслаш усули келажакда шундай буюк шахслар бўлиб етишиш учун йўлланма сингари берилган, чунки бу шахслар номи гурур ва сурур билан ёд этилади. Ёки бу сурур ва гурур митти қалбни чулғайди.

Кўпгина ёзувчилар Андерсеннинг бу-юклиги билан бирга унинг таъсир услу-бидаги оддийлигидан ҳайратга тушишар-ди.

Айниқса, "Булбул" эртагининг бошла-ниши кўпчиликка ёқарди. "Хитойда ҳамма аҳоли хитойликлар, император ҳам хитойлик эди". Гўё табиий ва ҳеч ким учун

таажжубли бўлиши керак бўлмаган жум-ла нега атоқли ёзувчиларни ҳайратга сол-ди?

Чунки бу жумла "соф" болаларча му-шоҳада юритиш орқали айтилган фикр. Инсонни инсон қилувчи нарса — бо-лалар фикрича мардлик ва жасорат, Арс-лон эса ҳаммиса жасорат тимсоли бўлиб келган.

Миллатни буюкликка элтувчи кучлар-дан бири — тобе ва кўрқоқ бўлмаслик.

Ана шу буюкликни яратган фазилят-лардан бири айнан жасоратдир. Зиё сари олға боришга, эркинликни қўлдан бер-маслик, ҳақ сўз айтишга, эзгулик қилиш-га, илм олишдан кўрқмаслик — шу йўлда-ги асосий вазифалардир. Шоир савол-лари — топишмоқ. Аммо белги ва хусу-сияти айтилиб ўзи яширинган сўзлар номи нима?

**Минг таҳқирни ҳазм қилган одамни ким деб атарлар?**

**Битта ўткир сўздан ўлган одамни ким деб атарлар?**

Бу жавоблар болалар кўз ўнгида мав-хум нарсаларнинг аниқлашувидир.

Кун ва туннинг, қувонч ва ғамнинг ал-машинуви — ҳаётнинг болалар тасавву-ридаги энг оддий кўриниши. Ҳис-туйғу-ларнинг рангларга сингдирилиши эса бутун оламнинг турфалиги болалар кўз ўнгида намоён бўлиши мураккаб яхлит-ликни вужудга келтиради. Саволлар худ-ди митти вужуд кейингати синовдан ўтка-заётгандек ва дейинги синовга тайёрла-

ётгандек.

**Дўрмонда дарахтлар баланд-баландмиш,  
Кўкларни кўтариб турганмиш,  
ростми?  
Кўрганки зот бари, ҳайрон,  
хурсандмиш,  
Юлдузлар дарахтда унармиш,  
ростми?**

Инсон ва дарахтнинг буюклиги ба-ландлиги уларни жамият ва табиатни кўтариб турувчи устунларга ўхшатган шоир ҳақиқатдан яна бир ҳақиқатни кашф қилади. Юлдузлар ана шу балан-дликда, юксакликда унади. Инсон учун эса бу нарса қалб юксаклигидир. Ҳозирча ўзини заррадай кўринмас ҳис қилган болакай ана шу устунга айла-ниши — ундан юлдуз униши шоир ис-таги.

У ҳар бир сатрида одамни оламга, оламни эса одамга ўхшатади. Табиат ва инсон жисми уйғунлиги ҳақида га-пирган шоир саволни янада ойдинлаш-тиради.

**Оламнинг одамга нимаси ўхшайди?  
Одамнинг оламга нимаси ўхшайди?**

Болалар ана шу саволга нима деб жавоб беришади? Сиз-чи? Инсон ва та-биатдаги меҳр, мурувват, лоқайдлик ва ваҳшийликми бу?

Инсон руҳий кечинмалар қуршови-да бўлсагина у инсонлигича қолади. Руҳий исён ва доимий жавобгарлик ҳисси бизни болагимиздан тарк эт-магани, ана шу жавобгарлик ҳиссини сезиш учун болалар кўз ўнгида савол-лар гавдалангани маъқул. Ҳатто фасл-лар ҳақидаги оддий топишмоқ шеър ҳам ўзгача жаранглайди.

**Қай фасл боғларда очар кўриклар?**

**Оппоқ тангаларга чўмар ўриклар**

**Қай фасл даштларда**

**чучмома унар,**

**Лолалар бошида чироқлар ёнар?**

**Қай фасл яхмалак учар болалар,**

**Оқ кўрпа ёпиниб ухлар далалар**

**Қай фасл кексаларга келар**

**кўп офат**

**Одам одамлардан излар**

**ҳарорат?**

Сўнгги савол эса тубсиздек. Қай фасл инсондан инсон ҳарорат қидира-ди? Айнан шу саволга ҳар бир инсон-нинг ўз жавоби бўлиши тайин. Шу би-лан бирга қирқта саволга жавоб бер-ган митти қалб эҳтиросли шоирнинг маънавият бўйича ўтказган катта сино-видан ўтиши ҳам ойдаги равшандир. Аммо бу саволни биз катталар ҳам ўзи-мизга бериб кўрсак фойдадан холи бўлмас. Биз ҳам болалар шоирининг буюклик йўлидаги катта синовидан ўта оламизми? Бу энди ҳар биримиз ўз-ўзимизга беришимиз керак бўлган қирқ биринчи саволдир.

**Кавсар ТУРДИЕВА,  
ТошПМИ ўзбек тили кафедраси  
муdiri, филология фанлари  
номзоди**

**Миразиз АЪЗАМ**

## КЎЗЛАРИ ХАЁЛГА ТОЛГАН БИР БОЛА

Кўзлари хаёлга толган бир бола,  
Ориққина бола бир жўжасимон,  
Биламан, сен ҳеч вақт бўлмайсан йўғон,  
Кўзлари хаёлга толган, ҳой бола.

Бўлмасанг бўлмабсан, шунга ҳам ғамми,  
Фақат сўзларингда бўлмасин ола.  
Зўр бўлсин ўқиган китобинг жами,  
Кўзлари хаёлга толган ҳой бола.

Сендан четлаб ўтсин кулфат ва ёлғон,  
Ҳақиқат йўлинда бўлсин машъала.  
Қалбингни аямай ўсавер омон,  
Кўзлари хаёлга толган, ҳой бола.

Кўзлари хаёлга толган ҳой бола.  
Йиғитга кўрк бўлар мардлик, эпчиллик.  
Сен ҳам эпчилсан-ку, сен ҳам мардсан-ку,  
Кўзлари хаёлга толган ҳой бола.

## ТАРИХ

**«Кўзлари хаёлга толган бир, бола»  
шеърининг ёзилганига 20 йил  
тўлиши муносабати билан**

Ориққина болам йўғонлаб қолди:  
Унутди сув ичган ариқларини.  
Унутди бир пайтлар азиз деб билган,  
Дўстлари ва эски чориқларини.

Кўзлари хаёлга толган болайди,  
У пайт олишарди ҳақиқат учун.  
Энди ҳақчиларга бўлди тўғаноқ,  
Шухратпарастиликка бахш этди кучин.

Эпчилсан, мардсан деб алқаган эдим,  
Ахир мард турмасми майдон ичинда?  
Не бўлди, кўзлари хаёлчан бола?  
Бу не фалокатдир ёруғ очунда?

Ориққина болам йўғонлаб қолди.  
Мен кимга ишонай энди, болажон?  
Сенки дўстларингга тош отган эсанг  
Қалбимда ўлгунча сўнмас ҳаяжон!

Ориққина болам йўғонлаб қолди.  
Ориққина болам бирдан йўқолди...  
Вой болам, вой болам, вой болам,  
Кўзлари хаёлга толган болам-ов...

**P.S. Ҳурматли шоиримиз Миразиз ака жа-ҳон болалар адабиёти намоёндалари ҳаёти ва ижоди бўйича махсус саҳифалар тайёр-лаб беришга сўз бердилар. Кейинги сонлар-да улардан баҳраманд бўласиз.**



Машхур ёзувчи Артур Конан Дойлнинг асарларини ўқигансиз. Адибнинг тилларда дoston бўлган қахрамони Шерлок Холмс ўнлаб сирли жиноятларни очганидан ҳайратга тушгансиз. Бундан қарангки, шунча вақт ўтиб, бугунги кунда афсонавий изқувар ҳақидаги асарлар муаллифи Конан Дойлнинг ўзи жуда катта шов-шувга сабаб бўлган жиноятни содир этганликда айбланмоқда.

Хўш, детектив асарларни жон-дилидан яхши кўрадиган миллионлаб китобхонларнинг энг севимли адибига қўл кўтарган ким экан, дерсиз? Бу — британиялик рухшунос Ротер Гарри-Стил. Бу жаноб роса 11 йил тер тўкиб, буюк изқувар образини яратиб, мислсиз шуҳрат қозонган Конан Дойлнинг бундан қарийб юз йил муқаддам содир этган жиноятини фош этишга муваффақ бўлди.

Шерлок Холмс ҳақидаги бири-биридан қизиқарли ҳикояларни ўқиган киши-

нинг белгисини топиш амри-маҳол. Гарри-Стил бошқа далилларни ҳам келтиради. Хусусан, соғлом одам қандайдир оғир хасталикка чалиниб қолса, дарҳол врачга мурожаат этади. Бироқ Б.Робинсоннинг врачга мурожаат этганини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Боз устига Робинсон билан муомалада бўлган кишиларнинг бирортаси юқумли терлама касали билан оғриманган. Қолаверса, ўша пайтда бу хасталикдан вафот этганларнинг жасада куйдириб юборилади. Бироқ Конан Дойлга "Баскервиллар ити"нинг сюжетини айтиб берган дўсти Б.Робинсоннинг жасади куйдирилмаган, ҳатто оддий йўловчи поездда, ҳеч қандай эҳтиёт чоралари кўрилмаган ҳолда туғилган макони Девонга олиб келиниб, дафн этилган...

Рухшунос Гарри-Стил бу ҳодиса билан боғлиқ бошқа тафсилотларни ҳам тиклашга муваффақ бўлди. Робинсоннинг хотини Глэдис хоним эридан бола кўрмаганидан жуда азият чеккан. Кўпроқ

мисқоллаб топган обрўси, шон-шухрати бир пулга айланишини ёзувчи яхши тушунган. Афсуски, сўниб бораётган мухлислар эътиборини сақлаб қолиш, яна янги асар билан шон-шухрат таратишнинг ягона йўли Конан Дойл учун "Баскервиллар" мавзудан фойдаланиш бўлган, холос. Бу йўлда шармандаликка учрамаслик учун дўсти Робинсонни... даф қилишдан бошқа чора йўқ эди.

Тўғри, детектив ҳикоя жанрининг асосчиларидан бири бўлмиш Конан Дойл ўша ҳикоясининг юзага келишида дўстининг хизмати борлигидан кўз юммаган. "Баскервил-



## КОНАН ДОЙЛ... ЖИНОЯТ КУРСИСИДА

лар бу қахрамоннинг ақли ниҳоятда ўткирлигини, айнқса, детектив таҳлилга тенгсиз қобилияти борлигини ва айна пайтда унинг баъзан қонун чегарасини бузиб туришини ҳам эсласалар керак. Рухшунос Гарри-Стилнинг таъкидлашича, қахрамоннинг феъл-атворидаги қусурлар Конан Дойлга ҳам хос бўлган. Бу ёзувчининг "Баскервиллар ити" ҳикоясининг яратилиши ва эълон қилиниши тарихи билан боғлиқ воқеаларда тўла-тўқис намоён бўлади, дейди Гарри-Стил.

"Баскервиллар ити" ҳикоясининг сюжети шаклланаётган пайтда Конан Дойлнинг уйда дўсти журналист Бертрам Робинсон меҳмон бўлиб турган. "Баскервиллар ити" ҳикояси эса 1909 йили нашр этилган. Бундан бир йил олдин эса Робинсоннинг "Дартмурдаги саргузашт" номли асари босилиб чиққан. Рухшунос Гарри-Стил бу икки асарни қиёслаб, уларнинг сюжети ҳам, услуби ҳам жуда ўхшашлигини қайд этади. 1907 йили Конан Дойлнинг дўсти Б.Робинсон 36 ёшида тасодифан қазо қилади. Унинг терлама касаллигидан вафот этгани расман қайд этилган.

Робинсон 21 январда ўлган. Ўша ойда олинган фотосурати унинг тамоман соғломлигини кўрсатиб турибди, суратга қараб унинг юзидан бирор-бир хасталик-

ана шу сабабга кўра, бу аёл Артур Конан Дойл билан ишқий алоқада бўлган. Бироқ бу омиллар ҳам Конан Дойлнинг қотилликка қўл уриши учун етарли асос бўлолмайди, дейди рухшунос. Ахир, шу сиз ҳам ўша пайтда Конан Дойл машхур эди, наҳотки, бир ҳикояни ёки жазманни деб у қотилликка қўл урса?!

Гарри-Стилнинг фикрича, ҳамма сир айнан мана шунда: ўша пайтда Конан Дойл ижодий инқироз ҳолатини бошдан кечириётган эди. "Баскервиллар ити" нашрдан чиқишидан 8 йил олдин ёзувчи машхур қахрамони Шерлок Холмс саргузаштларига нуқта қўйган, яъни афсонавий изқувар жиноят оламининг қироли профессор Мариарти билан курашда ҳалок бўлган эди. Айтишларича, ўша пайтда Конан Дойлнинг ашаддий мухлислари бундай хотимадан қаттиқ ранжишган ва адибдан қахрамонни "тирилтириш"ни, саргузаштни давом эттиришни сўрашган. Бироқ машхур детектив ҳикоялар ўрнини энди фақат улардан ҳам зўр, ақлларни шошириб кўядиган ўткир сюжетли асаргина босиши мумкин эди, холос. "Баскервиллар" тарихи бунинг учун айна муддао эканини К.Дойл жуда яхши билган. Бироқ бу сюжетдан фойдаланиш жуда қалтис иш эди. Бировнинг гоёсини ўғирлаб олиб асар яратган билан бу сир очилишини, матбуотда расвою олам бўлиш тайинлигини,

лар ити"нинг биринчи нашрида "дўстим Робинсонга эҳтиром ила" деган сатр битилган. Бироқ бу "эҳтиром", Гарри-Стилнинг таъкидича, Робинсонга қилинган ҳақоратдан бошқа нарса эмас.

Рухшунос Конан Дойлнинг кўчирмакаш деган тавқиланатга қолишдан беҳудага хавотирга тушмаганини асословчи бошқа фактларни ҳам излаб топишга муваффақ бўлган. 1902 йили Конан Дойл рицарлик унвонига сазовор бўлади. Букингем саройида бу унвон тантанали тарзда топширилаётган бир пайтда кимдир биров "жаноб Шерлок Холмсга" хат киритади. Ким ёзганлиги номаълум бўлган бу хат ўша ҳикоянинг ҳақиқий муаллифи ҳақидаги ишораларга тўлиб-тошган. Бу факт Конан Дойлни фақат ташвишга солган деб бўлмайди, балки айна пайтда уни тезкорлик билан ҳаракатга киришишга мажбур этган ҳам.

Ёзувчи учун "гувоҳ"ни даф қилишнинг йўллари кўп бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мудҳиш жиноятларни хамирдан қил суғургандай фош этолган Шерлок Холмс каби қахрамонни яратган адибга дўсти Б.Робинсонни бир ёқли қилиш ва бу мудҳиш жиноятнинг ҳидини чиқармаслик мушкул иш бўлмаган. Рухшунос Гарри-Стилнинг тахминича, Конан Дойл ўйнаши, яъни дўсти Б.Робинсоннинг хотинини бу қалтис ишга кўндирган. Глэдис хоним Конан Дойлнинг

кўрсатмаси билан эрига оз-оз миқдорда захар бериб борган. Машхур адиб захарнинг турларию қандай қўлланилишини жуда яхши билганини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. У Девон графлигидаги Б.Робинсонлар меҳмон бўлиб турган Чиплпен қишлоғидаги уйда кечкурунлари бўлган. Яна бир тафсилот ҳам эътиборга молик. Машхур адиб умрининг охирида хурфот ва спиритизмга (марҳумларнинг арвоқлари билан мулоқот қилиш) берилган: айтишларича, ана шу "машғулот"лар 1930 йил Лондонда унинг сирли тарзда ўлим топишига сабаб бўлган.

Энди, британиялик рухшунос Гарри-Стилни машхур ёзувчининг "сардафтарини титкилаш"га қандай туртки сабаб бўлган, деган саволга келсак. Гарри-Стил хонасининг деворига Конан Дойлнинг суратини илиб қўйган. 1865 йили ишланган сурат бир неча марта гайриихтиёр тарзда илмоқдан чиқиб кетаверган. Рухшунос бу ҳолатни "тепадан ишора", деб тушуниб, архивларни "титкилаш"га киришган. Бироқ унинг "кашфиёти" жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. "Шерлок Холмс биродарлари" жамияти Гарри-Стилнинг асосларини тухматга йўйди. Тўғри, "Баскервиллар ити" ҳикоясининг гоёси Робинсонга тегишли, бироқ ҳикояни Конан Дойл ёзган, дейишди жамият аъзолари.

Қиролик санъат коллежининг ректори Кристофер Фрейлинг Конан Дойл ижоди бўйича йирик мутахассис ҳисобланади. "Робинсоннинг жаноб Конан Дойлга кўп жиҳатдан ёрдами теккан. Робинсон бўлмаганда бу ҳикоя ҳам бўлмади, — дейди у. — Бироқ ўша пайтда уларнинг ўртасида зиддият кучайиб бораётган эди. Модомики, Робинсоннинг захарлангани ҳақидаги таҳлил асосли бўлиб чиқса, мен бу масалага оид барча фактлар билан батафсил танишиб чиқишга муштокман".

Хуллас, "Баскервиллар" иши тадқиқига доир материаллар 446 саҳифадан иборат. Рухшунос Гарри-Стил Б.Робинсоннинг жасадини суд-медицина экспертизасидан ўтказиш зарурлигини ўқтириб, хулосаларини Скотленд-Ярдга жўнатган. Полиция кўп шов-шувларга сабаб бўлган жиноятни текшириш учун қидирув ишларини бошлаши эҳтимолдан холи эмас. Ҳарқалай, айтишларича, қасос туйғуси ҳам бу масалада ҳал қилувчи омил бўлса ажабмас. Чунки Конан Дойл қахрамони тилидан бир неча марта "Скотленд-Ярднинг хомкалла изқуварлари" устидан кулган. Энди ўша изқуварларнинг бугунги авлоди ёзувчидан қасд олишлари мумкин.

"Эхо планеты" журналидан  
А.ОТАБОЕВ таржимаси.

Суратда: машхур ёзувчи  
Артур Конан Дойлнинг қизи  
отасини портрети олдида.

ЕР

ЭСКИ  
АСРДАН  
ҚОЛГАН МУАММО

Бундай муаммолар қаторига ҳеч иккиланмасдан Яқин Шарқ масаласини киритиш мумкин. Исроил ва Фаластин давлатлари раҳбарларининг ёки ҳукумат вакилларининг турли даражадаги учрашувлари тез-тез бўлиб турса-да, ҳозирча аниқ тўхтаб, бирор ечим тўғрисида гапиришга ҳали эрта. Биргина мисол. Шу ҳафта чоршанба куни Арофат билан Исроил бош вазири учрашуви якунлангач, бир соат ўтар-ўтмас Иордан дарёсининг гарбий соҳилида яна отишмалар юз берганлиги ҳақида хабарлар тарқаган. Бунинг сабаблари сиёсатдонлар томонидан ҳар йўсинда талқин қилинса-да, можаролар бошлангандан буён қурбон бўлган юзлаб инсонлар яқинларининг аламларига таскин бўлмайди.

Шу боис, тинчликпарвар кучлар муаммо ечимига қаратилган ўз таклифлари билан чиқмоқда.

ШУБ-  
ҲАЛАП  
ЎРГАНИЛ-  
МОҚДА

XX аср кино саҳнасида муносиб ўрин тутиб олган ҳинд кино санъати осмонида қора булутлар пайдо бўлди. Ҳиндистоннинг Бомбейдаги "Болливуд" киноиндустрияси сармоядори Бхарат Шоҳ полиция томонидан қамоққа олинди. Маълумотларга кўра, сўнгги уч ҳафта ичида учинчи киноижодкор қамоққа олинган бўлиб, улар мафия билан тил бириктирганликда айбланмоқда. Бхарат Шоҳнинг хибсга олинишига сабаб, у Покистондаги уюшган жиноятчи гуруҳ раҳбари Чотто Шакел билан яқин алоқадорлиги бўлган полиция шубҳаси ва уларнинг телефондаги ўзаро суҳбатларининг маҳкама вакиллари эшитганлигидир. Ҳозирда қамоқда бўлган продюссер Надем Ризвининг сўнгги, ҳинд тилида яратилган фильмига ҳам айнан Шоҳ ҳомийлик қилган эди.

ЭНГ АЯНЧЛИ ОДДИЙ  
САВДО

Ҳа, аёлларнинг сотилишини биз энг аянчли ҳол деб биламиз. Аҳли аёлларимизнинг бебаҳо эканлигини ҳис этиб яшаймиз. Лекин аёл ҳамиша ва ҳамма жойда ҳам кадрланавермайди.

Европа Кенгаши эълон қилган маърузада айтилишича, ҳар йили дунё бўйича 4 миллионга яқин аёллар сотилар экан. Уларнинг





**ЮЗИДА**

кўпчилиги Ҳиндистон, Филиппин, Шри-Ланка ҳамда индонезиялик аёллар бўлиб, улар “канизаклар” сифатида асосан Европа дипломатлари томонидан сотиб олинади. Канизакларнинг ижтимоий, маънавий ҳуқуқлари бузилмаётганлигига эса, ҳеч ким қафолат бера олмайди.

### НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛМАДИ

Чеченистоннинг Шалинская туманидаги Червленная станциясида тўй тараддудидаги бўлажак келин-куёвлар кечки пайт ўлдириб кетилган. Сешанба куни содир этилган жиноят ҳақида Шимолий Кавказдаги ҳарбий таркиблар бирлашмаси матбуот маркази хабар тарқатган. Унга кўра, 20 ёшли рус йигити билан 18 ёшдаги чечен қизи турмуш қуришга аҳд қилишган. Бу тadbирга қарши бўлган жангарилар уларни огоҳлантирса-да, аҳдига содиқ ёшлар эътирозидан сўнг уларни отиб ўлдирганлар.



### ЖАЗО ЖИСМОНИЙ ОГИРЛИК ҚИЛАДИ

АКШнинг Луизиана штати собиқ губернатори Эдвин Эдвардс кимор бизнесини расмийлаштириш билан боғлиқ товламачиликда айбланиб, суд томонидан 250 минг доллар жарима ва 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилганлиги тўғрисида “Associated Press” агентлиги хабар тарқатди. Судда ҳукм ўқиб тугатилган заҳоти Эдвардснинг адвокати апелляция аризасини берди. Аризага кўра, 10 йил муддат 73 ёшли Эдвардс учун кўплик қилади. Штатда чорак аср сиёсий арбоб сифатида фаолият юритган губернатор аввал икки бор товламачиликда айбланган бўлса-да, иш судгача бориб етмаган эди.

### ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Жазоирнинг Le Matin газетаси хабарларига кўра, Аннабада олти нафар жасад топилган бўлиб, улар Россия фуқаролари эканлиги аниқланган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари аниқ эмаслиги боис, тафсилотлар ўрганилмоқда. Ва иккита тахмин ўртага ташланган—ё террорчилик ҳаракати, ёки оддий қароқчилик. Россиянинг Жазоирдаги ваколатхонаси вакиллари ушбу хабар асоссиз эканлигини айтишган. Шундай бўлса-да, қотиллик юзасидан гумон қилинган икки шахс ҳозирда хибсга олинган.

Ҳар йили декабрь ойининг ўнинчи кунда бутун жаҳон илм аҳлининг нигоҳи Швециянинг Стокгольм шаҳрига қаратилади. Айнан шу кун итаётган йилдаги юксак кашфиёт ва оламшумул ихтиролар муаллифларини буюк кашфиётчи олим Алфред Нобел номи билан аталувчи энг нуфузли мукофот билан тақдирлаш маросими ўтказилади.

Илм фан ривожини — табиат инъомларини ўрганиш йўлидаги буюк ишларда бутун жаҳон олимларини доимо бирлаштириб келган. Зеро, инсон тафаккурининг маҳсули бўлган барча буюк кашфиётлар бевосита илмий ва назарий тадқиқотлар билан боғлиқ бўлгани боис, турли мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиги нафақат фан ва техниканинг, балки бутун инсоният ривожининг асоси ҳисобланади.

Турган гапки, кенг жамоатчилик томонидан олимларнинг қўлга киритаётган ютуқларига

бўлиб ишлай бошлайди. Бирок, 1837 йили ўша даврда Россия империяси таркибига кирган Финландияга жўнаб кетади. 1842 йили эса у хотини ва уч ўгли — Роберт, Людвиг ҳамда Алфредлар билан Петербургда кўчиб келади. Ўша йиллари Россия империяси нисбатан аграр мамлакат бўлганлиги сабабли, кучли армияга, қолаверса, шу армия учун курол-аслаҳа ва ўқ-дори етказиб берадиган ҳарбий заводларга муҳтож эди. Техника соҳасида чуқур билимга эга бўлган Эммануэл Нобел айнан шу йўналишдаги изланишларни йўлга қўйди, кейинчалик бу ишларни унинг ўғли Алфред давом эттирди.

1833 йилда туғилган Алфред Нобел болалигидан Россияга келганлиги сабабли, Петербургда рус тилини ўрганади ва ўз билимларини хусусий ўқитувчилар қўлида ошира боради. Бир неча йил Россия ва Европанинг йирик давлатларида билим ҳамда тажриба орттирган Алф-

боради. Унинг умумий мол-мулкидан оладиган даромади ҳам кундан-кунга орта боради. Шунга қарамасдан А.Нобел физика ва кимё соҳасидаги илмий изланишларини давом эттириб янада самаралироқ бўлган янги турдаги портловчи моддалар яратиб боради. Бундай янги ихтиролар қаторига тутунсиз портлайдиган нитроглицеринли порох — баллиститни киритиш мумкин.

Нобел ҳаёти давомида кўп марта ҳомийлик ёрдамларини кўрсатган, айниқса, шогирдларидан ва бошқа иқтидорли ёш олимлардан ҳеч қачон ёрдамини аямаган. Бир мисол, 1889 йили онаси оғир касалликдан оламдан ўтганда, у ўз бойликларининг деярли ҳаммасини Каролин хирургия институтига ўтказиб берган.

Умрининг сўнгги йилларини Италиянинг тинч ва осуда шаҳарларидан бири бўлган Сан-Ремога ўтказган А.Нобел, оғир юрак хасталиги билан оғришига қара-

идагича тақсимлансин: биринчи қисми физика соҳасида буюк кашфиёт ва ихтиро яратганларга, иккинчиси кимёда қўлга киририлган янги ва оламшумул ишларни амалга оширганларга, учинчиси бутун дунёдан оладиган муваффақиятларга эришган физиология ёки тиббиёт соҳаси вакилларига, тўртинчиси инсон идеалларини ўзида мужассам этган ва акс эттирган адабий асарлар муаллифига, бешинчиси — инсоният бирдамлиги, қулликни бартараф қилиш, ҳаракатдаги армиялар сонини қисқартириш ҳамда давлатлар ўртасидаги тинчлик шартномалари соҳасидаги буюк хизматлар соҳибларига. Физика ва кимё соҳасидаги мукофотлар Швеция Қироллик Академияси томонидан, физиология ва тиббиёт соҳаси бўйича бериладиган мукофотлар Стокгольмдаги Қироллик Каролин институти томонидан, адабиёт соҳасидаги мукофотлар Стокгольмдаги Швеция Академияси томонидан, тинчлик соҳасидаги мукофот эса Норвегия олий ҳукумат кенгашидан сайланган беш кишидан иборат қўмита — томонидан бериб борилсин.

Менинг алоҳида истагим шундан иборатки, мукофот берилганда қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, скандинавияликми, бошқами, умуман қайси миллат вакили бўлмасин, ушбу мукофотга энг лойиқ номзодлар танлаб олинсин.

Ушбу васиятнома охириги ва мукамал ҳисобланиб, у қонуний кучга эга ҳамда агар менинг вафотимдан сўнг бошқа васиятномалар пайдо бўлгудек бўлса, уларнинг барчасини бекор қилади.

Ва ниҳоят, менинг сўнгги талабим шуки, ўлимим тўғрисидаги малакали врачнинг хулосасидан сўнг менинг танам куйдиришга берилсин.

Алфред Бернхард Нобел Париж, 1895 йил 27 ноябрь.

Алфред Нобел васияти қандай амалга оширилди, биринчи мукофот совриндорлари кимлар эди каби саволлар сизни қизиқтириши табиий, албатта. Ушбулар ҳақида навбатдаги мақолаларимизда танишасиз, деб сизларни умидлантириб қиламиз.

**Абдумажит Тўраев,** физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон Физика жамияти ҳайъати аъзоси

## АЛФРЕД НОБЕЛНИ БИЛАСИЗМИ?

бефарқ қараб турилмаган ҳамда уларнинг буюк хизматларига нисбатан холис баҳо бериш тизимлари ишлаб чиқилган. Айниқса, бизнинг давримизга келиб фан ва техника соҳасидаги ютуқларни кенг қўламда тақдирлаш оммалашиб кетди.

Илмий марказлар, академия ва жамиятлар, кўплаб миллий корпорациялар, турли давлатлар махсус қўмиталари ҳамда халқаро ташкилотлар олимларининг илм-фан ривожидagi хизматлари ёки кашфиётларини турли мукофотлар билан муносиб тақдирлаб келмоқдалар. Ана шундай илмий мукофотлардан бири 1900 йил 29 июнда ташкил этилган Нобел мукофотидир. Ушбу ноёб мукофот швед олими Алфред Нобел васиятига асосан таъсис этилган.

Алфред Нобел ким ўзи? У қандай васият қолдирган экан?

Нобеллар сулоласи XIX асрда динамитнинг ихтиро қилиниши ва нуфузли мукофотлар билан боғлиқлиги билан ўша даврдаги йирик саноатчи ҳамда молиячилар ўртасида катта обрўга эга бўлган. Ушбу сулолага XVII аср бошларида асос солинган бўлиб, Алфред Нобел унинг бешинчи авлоди вакили ҳисобланади. Унинг отаси Эммануэл Нобел (1801-1872) Унсалдаги университетни тамомлагач, Стокгольмда архитектор

ред 1863 йили отасининг илтимосига кўра Швецияга қайтиб келади. Петербурглик профессор Н.Н.Зинин раҳбарлигида ўзининг бир қатор илмий ишларини амалга оширган А.Нобел, 1846 йили италиялик олим Асканно Собrero томонидан кашф қилинган янги модда бўлмиш нитроглицеринга қизиқиб қолади. Сабаби, бу ўта арзон ва самарали портловчи модда тоғ-кон ишларида ҳамда бошқа соҳаларда ўта керакли ҳисобланар эди. Лекин ушбу моддани ишлаб чиқариш жараёнида тез-тез бахтсиз ҳодисалар юз бериши натижасида баъзи давлатларда бу моддадан фойдаланиш маън этилади. Алфред саноат учун ўта зарур, лекин хавфсиз бўлган моддаларни тайёрлаш ишларига астойдил киришади. Олиб борилган илмий изланишлар ва самарали меҳнат ўз натижасини берди. 1866 йили Алфред нитроглицерин билан кизелгурнинг аралашмаси асосида янги модда — динамитни яратади. Бир йилдан сўнг эса у ўз кашфиёти учун патент олади.

Бу йилларга келиб швед муҳандиси ва ихтирочиси энди буюк тadbиркор ҳамда малакали молиячи сифатида танила

масдан адабий асарлар ёзиш билан шуғулланади ҳамда бу соҳада ҳам истеъдодли қалам соҳиби эканлигини намойиш этади.

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк олим ва ажойиб фазилат соҳиби Алфред Нобел 1896 йил 10 декабр куни оламдан ўтади.

Куйида Алфред Нобел томонидан қолдирилган васиятнома билан таништиришни лозим деб билдик.

### АЛФРЕД НОБЕЛ ВАСИЯТИ

**Мен, куйида имзо чекувчи, Алфред Бернхард Нобел, чуқур ўйлаб ва узил-кесил ҳал қилиб, вафотим юз берадиган кунгача тўплаган бойлигим тўғрисидаги ушбу васиятномани маълум қиламан.**

**Мендан кейин қоладиган барча бойликларим васийларим томонидан қимматбаҳо қоғозларга айлантирилсин, улар асосида махсус жамғарма ташкил қилиниб, ундан олинадиган фоизлар асосида ҳар йили инсоният равнақи йўлида энг кўп хизмат қилган ва ҳисса қўшган шахсларга мукофот кўринишида бериб борилсин. Фоизлар тенг беш қисмга бўлинсин ҳамда куй-**

### ЁРҚИН ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

Математикага бўлган истеъдод, одатда, жуда эрта уйғонади, деган гап бор. Дарҳақиқат, “ёш даҳо”ларнинг кўпчилиги математиклар бўлиб чиқишини инкор этиб бўлармиди.

Машҳур француз математиги Эварист Галуа 21 ёшида вафот этган. Лекин у 18-20 ёшлигидаёқ ўз асарлари билан ҳозирги замон алгебрасига асос солиб, фанда абадий қолди.

Кибернетика илмининг отаси саналмиш америкалик Норберт Винернинг математик истеъдоди ҳам жуда эрта уйғонган.

Ота-онаси фарзандларининг зехни жуда ўткир эканлигини пайқаб, ўқитувчи ёллаб, уни уйда ўқита бошлайдилар.

Н.Винер тўққизга тўлганида бевосита тўққизинчи синфга қабул қилинади. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, 12 яшар Норберт университетга ўқишга киради. 14 ёшга тўлганида у бакалавр деган биринчи илмий даражани олади, 18 да эса Гарвард университети унга фалсафа доктори илмий даражасини беради.

Атоқли ўзбек математик олими академик Т.А.Саримсоқов 23 ёшлигидаёқ номзодлик, 27 ёшида эса докторлик диссертациясини ёқлаган эди.

### ЭКОЛОГИЯ ТАРИХИДАН

“Экология” атамасини 1866 йилда немис зоологи Э.Гегел таклиф этиб, “организмларнинг атроф-муҳитга муносаба-

ти ҳақидаги умумий фан, барча “яшаш шароитлари”га кенг маънода оиддир” деб таъриф берганди. Бу атамадан шу маънода фойдаланишнинг гувонги кунда ҳам кенг тарқалганининг бувоҳимиз. Зеро, унинг аҳамияти кундан-кунга ортмоқда.

Экология тарихи қадимги Юнонистон ва Рим натурфайласуфлари асарларидан бошланса-да, қимматли экологик кузатишлар К.Линней, Ж.Бюффон, П.Паласа каби XVIII аср табиатшунослари томонидан бажарилган.

Ҳозирги замон экологик тадқиқотларининг ўзига хос хусусияти бутун биосферани қамраб олувчи жараёнларга қизиқиш, инсон ва биосфера ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганишдан иборатдир.

**А.АЛИЕВ** тайёрлади.



## УЧ АСРНИ КЎРГАН ОНАХОН

Бухоро туманидаги Шергирон қишлоғида истиқомат қилувчи Муаттар ая Тиллаева уч асрни кўрган пиру-бадавлат молардан ҳисобланади.

— 1892 йилда Тахмач қишлоғида дунёга келганман, — дейди момо “Туркистон-пресс” мухбирига. — Ақлимни таниганимдан то нафақага чиққунимга қадар “Чор бакр” ширкат хўжалигида меҳнат қилдим. Бир инсон кўриши

мумкин бўлган турмушнинг барча паст-баланд сўқмоқларини босиб ўтдим. Қўл меҳнатидан қутулиб, барча юмушлар техника зиммасига юкланган даврларнинг гувоҳи бўлдим. Қатагон йиллар жабрини, урушнинг келтирган мусибатини тортдим. Яратганга шукрки, ҳурлик замонасига, янги минг йиллик остонасига қадам қўйдим.

Волидаи мухтарама бир юз саккиз ёшга кирганига

қарамай, соғлом ва бақувватдир. Қишлоқдошлари билан бемалол гурунглашади. У етмиш ёшли қизи Ҳамо Восиева билан бирга яшаб келаёттир. Онахонлар доимо иззат-ҳурматда. Бу оилага “Чор-бакр” ширкат хўжалиги ҳамда “Сухроб” деҳқон-фермер хўжалиги ҳар томонлама кўмак бериб келаёттир.

## “ЖИГАР” САЛАТ

Салат учун:

0,5 кг қўй жигари, 4 дона пиёз, 2 та сувда пиширилган қизил сабзи, 4 та қайнатилган тухум, ошкўклар, 2 чўмич ёғ керак бўлади.

Қиздирилган ёғда йирик паррак қилиб тўғралган жигар, пиёз қовурилади. Қовурилатган пайтда пиёз куйиб кетиши керак эмас.

Жигар қовурилгандан кейин сомонча шаклида тўғраб ялпоқроқ идишга солиб, устидан пиёз ёғи билан қуйилади. Сўнгра пишган қизил сабзи, олдиндан пишириб олинган тухум қирғичдан чиқариб солиб яхшилаб аралаштирилади. Таъбга кўра туз солинади. Устидан ошкўклар сепилади.

## О'қувчи(qizi)ngiz qulog'iga aytin

Дадам катта оиланинг тўнғич фарзанди бўлгани туфайли оиладаги энг катта неvara ҳам акам ва мен эдик. Амакиларим ҳам, аммаларим ҳам бизни яхши кўришар, бувам ва бувимнику гапирмасам ҳам бўлади. Топган нарсаларини бизга илиншиарди. Ўз дунёмизда подшо эдик. Бир кун амакимнинг сочлари узун, кинодаги Кумушбибига ўхшайдиган чиройли хотини — Жамила келинойим менга оппоқ, худди Қорқизларники каби чиройли кўйлак олиб келдилар. Уни кийиб шу қадар қувондимки. Энди менга мазза, Нилуни, Дурдонни, Сайёрни кўзини куйдириб мактабга шу кўйлакни кийиб бораман, деб ўйладим. Мак-

икитасини нима қиласан” деб уришиб бердилар. Роса хўрлигим келди. Кўйлакларни меҳробга тахланган кўрпалар қатига яшириб қўйдим ва араблаб ётиб ухлаб қолдим. Кечки қуёш уфққа бош қўйганда уйғонибман. Дарров кўйлаклар яширилган жойга қарадим. Уқувсизлик билан қилган ишим туфайли кимдир (аям бўлсалар керак) кўйлакларни олиб қўйибдилар.

Роса йўғладим. Бувим, мени жуда яхши кўрадиган келинойим овунтирдилар. Жамила келинойим эса: “Сизга бошқа, бундан ҳам чиройли кўйлак олиб берман”, дедилар. Янги кўйлак дарагини эшитиб сал овунгандек бўлдим. Кейин ҳар

## ОППОҚ, КЎЙЛАКЛИ ҚИЗГАНЧИК, ҚИЗ

табда ҳам менинг оппоқ, этакларида пирпираклари бор кўйлагим ҳаммага ёқди. Шу кун магазинда сотувчи бўлиб ишловчи Жамила келинойим олдиға ўртоқларим Нилуфар ва Дурдоналарнинг оналари ҳам келди. Уларнинг уйда роса тўполон бўлибди. Мактабда бўлагидан қандайдир байрамгача ўша кўйлақдан топиб беринг, дейишибди улар.

Мен эса бу чиройли кўйлакни менидан бошқа ҳеч ким кийишини хоҳламасдим. Анча вақтдан сўнг, менинг кўйлагим сал оҳорини йўқотгач, келинойим худди шундай кўйлақдан яна 2 дона олиб келдилар. Энди менинг кўйлагим бу кўйлақлар олдиға хунук ва кўримсиз бўлиб қолган эди. Кўйлақларни ҳеч кимга бермайман, ўзим кияман деб йўғладим. Шунда хархашаларимга унчалик ҳам аҳамият бермайдиган аям: “Сен ҳаммадан аввал кийдинг-ку, бир хил кўйлакнинг

сафар Нилуфар ва Дурдонанинг эғнида ўша оппоқ кўйлакни кўрсам улардан кўйлакни тортиб олгим келаверди. Бу кўйлакни менинг келинойим олиб келиб берганлар, деб ҳаммага айтиб юрадиган бўлдим.

Ўшанда бувим ҳам, мени жонидан ортиқ кўрувчи аям ҳам бир нарсани, қиз бола ҳеч қачон қизганчиқ бўлмаслиги кераклигини, ўзида бор нарсаларни энг яқин кишилари, дугоналари билан баҳам кўриши лозимлигини уқтиришганди. Қиз боланинг фазилати одобли бўлиш, ёлғончи ва қизганчиқ бўлмалик, доимо озодалик ва покизаликка эътибор беришда, дейишарди, улар. Бола эдим, бу гапларни унчалик тушунмагандим. Ҳозир эса уларнинг насиҳатлари тиллога тенг маслаҳатлар эканлигини биламан. Қўлимдан келганча ҳаммага яхшилик қилгим келади.

Шарифа  
МУРОДЖОН қизи



Бу торт учун олдин бисквит хаамири тайёрлаб олинади.

Бисквит хаамири учун: 6 та тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан ун керак бўлади.

Тухум оқи саригидан ажратилади. Сирли идишда қаттиқ ва қуюқ кўпик ҳосил бўлгунча оз-оздан шакар солиб биттадан тухум сариги қўшиб кўпиртирилади. Стакандаги уннинг ярми тоғорачанинг бир томонига, қолган ярми иккинчи томонига солиниб, пастдан юқорига қараб аралаштирилади.

Хаамири тагига қоғоз солинган махсус қолипга қуйилади. Сўнгра духовкада пастроқ оловда 1 соат давомда пиширилади. Пишиб чиққан бисквит нонини духовкада қолдирилган ҳолда совитилади. Бисквит пишаётган вақтда духовкани очиш, листни қимирлатиш мумкин эмас. Бисквит хаамирига тухум саригидан кейин 2 ош қошиқ ликёр, коньяк, сметана, қаймоқ, какаолардан бирини қўшиш мумкин. 2-

3 томчи, маза берувчи эссенция 1 чимдим ванилин солса ҳам бўлади. Тортга ишлов берилганда бисквитнинг листдаги томони юзи қилиб безатилади. Тагига хитой қоғози ёки олдий дафтар қоғозини солса ҳам бўлади.

Тортнинг орасига солинадиган крем учун:

ган қолипга солиб, бизега ўхшаб 2-4 соатгача пиширилади. Пишиб чиққан бизени олдиндан пишириб олинган бисквитнинг орасига олиб қаймоқли кремда ёпиштирилади. Торт усти кремда силлиқланиб, атрофи юлдузча шаклидаги крем сиққичда тухум оқидан тайёрланган кремда устунча шаклида безатилади. Тортнинг юзи бирор хил мева билан безатилади.


Қаймоқли крем учун:

500 грамм қаймоқ, 100 грамм қанд упаси керак бўлади.

Қаймоқ қуюлгунча кўпиртирилиб, қанд упаси, ванилин солиб, яна 10 секунд кўпиртирилади. Кўпиртирилгандан кейин салқин жойга 5 минутга қўйиб қўйилади.

Қаймоқли крем билан безатилган тортлар салқин жойда сақланиши лозим. Бу кремга ранг қўшилмайди.

Наргиза САДРИДИНОВА  
тайёрлади.





**ДАСТЛАБКИ ЙИГИН**

Футбол бўйича терма жамоамизнинг Исроилга жўнаб кетганидан хабарингиз бор. Юртдошларимиз у ерда Москванинг "Спартак" ҳамда Исроил терма жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Терма жамоамиз Ўзбекистон биринчилигида тўп сураётган футболчилардан иборат.

**АТР ТАСНИФИ**

АТР — профессионал теннис ассоциацияси 2001 йилги янги таснифини илк бор эълон қилди. Дастлабки мусобақалар натижасига кўра, унда Марсело Риос (Чили), Богдан Улиграх (Чехия) ва Томми Хаас (Германия) пешқадамлик қилишмоқда.

**"ЙЎЛБАРС" КЎЧАГА ХАЙДАЛДИ**

Профессионал рингда "Йўлбарс" лақаби билан машхур польшалик боксчи Дариуш Михалчевский ҳаётда кетма-кет зарбага учради. Аввалига Гамбург марказида ўз машинаси билан авария қилди. Кейин эса тунги клублардаги "саёҳат"лари учун хотини томонидан уйдан ҳайдалди.

**ЎЗГАРИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Футбол федерациямиздаги ўзгариш, янгиланишлардан хабарингиз бўлса керак. Федерация раҳбарияти ўзгаргандан буён ижобий силжишларга асос яратилмоқда. Яқинда федерациянинг ўзбекистонлик мураббийларга мурожаатнома — мактуби матбуотда эълон қилинди.

**ЭЪЛОН**

**Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларини ўқувчилар столи ва стули билан таъминлаш мақсадида 2001 йил 15 февралда тендер савдолари ўтказлади**

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2001 йил 15 январдан бошлаб тендер ўтказиладиган кунгача, фақат иккиланган конвертда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилади ва унга банк маълумотномаси, буюм сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси закат киритганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади. Ички конвертга тендер таклифлари, буюмлар рўйхати ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

**Тендерда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш шарт:**

- ✓ Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг маълумотномаси;
- ✓ Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;
- ✓ Нарх-наво бўйича ва 2001 йил 1 июлгача маҳсулотни етказиб бериш имконияти ҳақида таклифлар;
- ✓ Халқ таълими вазирлиги "Таълим-савдо" Бош бошқармасининг 20210000500101561001, Меҳнат бўлими ЖСБ, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига закат ўтказилганлиги ҳақида тўлов хатининг нусхаси. Закат миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади.

Тендерга 2000 йил 1 августдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Тендерда қатнашиш учун буюмлар намуналарини 2001 йил 15 январдан бошлаб 12 февралгача "Таълим-савдо" Бош бошқармаси Тошкент шаҳри, 700077, Сайрам 3-берк кўчаси 92-уй кўргазмалар залига қўйилади.

**Мурожаат учун манзил:**

Тошкент шаҳри, 700077. Сайрам 3-берк кўчаси 92-уй.

**Маълумот учун телефонлар:**

67-28-00, 68-75-46, факс: 67-28-70

**"АРСЕНАЛ" даги ТАЛОНЧИЛИКЛАР**

Худди оддий кишилардек машхур спортчилар ҳам жиноятчи шахслар олдида ожиз эканлар. Англиянинг "Арсенал" жамоаси ҳужумчиси Нванкво Кану ҳам бунга ишонч ҳосил қилди. Ўғриллар Канунинг ҳовлисига кириб, сигнализацияни узиб, уйга киришган ва кўзга кўринган барча нарсаларни шилиб кетишган. Шилишганда ҳам озмунча нарсани «шилишмади». Нақд 20 минг фунт стерлинг, шунча миқдордаги қимматбаҳо тақинчоқлар, "Ролекс" соати, кўплаб аудиовидеотехника, ҳатто Канунинг қимматбаҳо костюмини ҳам "қулогини ушлади" кетишган. Юқларни олиб кетишга ҳам жиноятчилар ортиқча бош қотириб ўтиришмади — "ўлжа"ни Кануга тегишли "Мерседес"га юклаб кетишган. Бу қисқа "этибор"сизлик нигерияликка 200 минг долларга тушган.

Шунга ўхшаш муаммага "Арсенал"нинг яна бир ўйинчиси дуч келди. Натижада ўғриллар уни яна бир машхур жамоа — "Барселона"га ўтишга мажбур қилишди. Ўтган йилнинг баҳорида Овермарслар сершовкин Лондонни тарк этишди ва Хертфордшир графлиги ҳудудидан миллион долларга серҳашам уй сотиб олишди. Голландиялик машхур футболчи Денис Бергкампга Овермарслар ён кўшни бўлди.

Биринчи марта Марк Овермарсни июлда шилишган эди. Уйга кириб олган талончи унинг медалларини, кийимларини олиб, футболчининг "Порше"сини миниб кетганди.

Кейинги кунёқ Овермарс электрон дарвоза, прожекторлар ва сигнал бериш ускуналарини ўрнатди, қолган қимматли буюмларини, ҳар эҳтимолга қарши, ишончли жойга олиб бориб қўйди. Октябрда эса Овермарснинг ҳомиладор хотини ўтирган хонага деразадан ғишт учириб кириб, уни қаттиқ кўрқитди. Хуллас, Овермарслар ўгли туғилгач, бирмунча сокин бўлган Испанияга кўчиб ўтиб адашишмади.

**ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛ**

Ҳазорасп туман ҳокимлиги ташаббуси ва кўплаб ҳомий ташкилотлар ёрдами билан туман марказида ташлаб қўйилган спорт мажмуаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Туман ҳокими Ботир Раҳимовнинг айтишича, ҳозирда мамлакат миқёсида юқори натижаларга эришаётган ҳазорасплик ёш спортчилар учун бу маскан йирик халқаро мусобақалару олимпиадаларга йўл очади. Деярли барча спорт турлари билан шуғулланиш имкониятларининг мавжудлиги бу фикрга умид билан қарашга изн беради.

**«Universiada — 2002»**

Маълумки, 2002 йил май ойида Бухорода мамлакат талабаларининг II универсиадаси ўтказилади. Унда 3 мингдан зиёд ёш спортчи қатнашади. Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, асосий беллашувлар вилоятнинг бош стадиони — "Бухоро"да ўтказилади.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида стадионни катта спорт мусобақасига тайёрлаш бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Стадион ҳозирда 10-11 минг томошабинни сиғдира олса, қайта таъмирдан сўнг 30 минг кишини қабул қилади. Бу иншоот ҳар томонлама замонавий лойиҳалар асосида ва жаҳон андозаларига мос равишда қайта қурилади. Унинг қурилишига ҳисоб-китоблар

**"БУХОРО"ДА ЗАМОНАВИЙ СТАДИОН БЎЛАДИ**

бўйича 2,5 миллиард сўм маблағ талаб қилинади.

Йиғинда вилоят ҳокими С.Хусенов шулар ҳақида тўхталиб, стадионни универсиадага ҳозирлашдек хайрли ишга ҳамма ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкидлаб, тегишли вазифаларни кўрсатиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан солиқ, банк, корхона, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари "Бухоро" стадионини ўз вақтида қайта қуриб битказишга баҳолиқудрат ҳисса қўшажакларини айтдилар.

Бухоро вилояти, "Туркестон-пресс"

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жамоаси ўзбек тилини ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими ходими Адиба Жамоловага отаси **Абдулазиз ТОШМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва қасаба уюшмаси жамоаси, институт Иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор ёрдамчиси Р.Юсуповга онаси

**ЁДГОРХОН** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изҳор қилади.



## «O'ZBEKISTON O'SIMLIKLARI»


(KROSSVORD-TEST)

AYLANMA  
KROSSVORDBelgilangan xonadan raqam  
atrofiga soat mili yo'nalishida:

1. Mevasi yirik va sariq tusli shaftoli navi. 2. Danakli, sershira, yirik ho'l mevali daraxt. 3. Serbarg, xushbo'y oshko'k o'simlik. 4. Murakkabgul-doshlarga mansub, gulshiraga boy ikki yillik o't turkumi. 5. Hosili yirik poliz ekini. 6. Oq gulli, mayda qora mevali bir yillik yovvoyi o'simlik. 7. Ko'p yillik o'tsimon, zaharli cho'l giyohi. 8. Efir moyi olish maqsadida o'stiriladigan zaytundoshlarga mansub buta. 9. Xushbo'y urug'i non yuziga sepiladigan bir yillik o'simlik. 10. Nozik rang-barang ochiladigan manzarali o'simlik. 11. Ko'p yetishtiriladigan g'alla ekini. 12. Tarkibida efir moyi va darmondorilar mavjud bo'lgan adir va tog' hududlarida tarqalgan ko'p yillik giyoh. 13. Jumrutdoshlarga mansub shifobaxsh meva. 14. Ko'rkam, xushbo'y manzarali ekin. 15. Tanasi qattiq daraxt. 16. O'zbekistonda yetishtirilayotgan bug'doy navi. 17. Olma navlaridan biri. 18. Mevasi maydaroq, sershira, rangdor o'rik. 19. Sariq to'p gulli, qurigach urug'i shamolda uchib ketadigan giyoh. 20. Texnika o'simligi. 21. Sholipoyalarda o'suvchi begona o'simlik. 22. Uzun bargli ko'p yillik yovvoyi o'simlik. 23. Soyabondoshlarga mansub dorivor ko'p yillik o't. 24. Ba'zi turlari ziynat uchun, ba'zi turlari esa mevasi uchun o'stiriladigan buta o'simlik.

## CHAYNVORD

25. Tog'li joylarda yovvoyi holda o'suvchi, mevasi kuzpishar daraxt. 26. Boshqoli g'alla ekini turi. 27. Ba'zilar xushmanzara murakkabgul-doshlarga mansub ko'p yillik o'tlar turkumi. 28. Poyasidan, tola urug'idan yog' olinadigan ekin. 29. Bandi nordon yeyishli, yirik bargli, ildizi yo'g'on ko'p yillik o'simlik. 30. Bo'yi 50 m.gacha, aylanasi 18 m.gacha o'suvchi umrboqiy daraxt. 31. Ba'zi o'simliklarning popugi. 32. Poyasidan tola olinadigan, baland



o'suvchi o'tsimon ekin. 33. Ko'plab ekiladigan texnika o'simligi. 34. Boshqoli o'simliklarga mansub ko'p yillik serildiz yovvoyi o't. 35. Bahorda ochiladigan yovvoyi gul. 36. Baland o'suvchi to'qay o'simligi. 37. Suvsevar don o'simligi. 38. Bargi taomga solinadigan bahor ko'kati. 39. Qovoq gullilar oilasiga mansub, hosili yirik va shirin bir yillik poliz ekini. 40. Tanasi qattiq, ho'l mevali daraxt. 41. O'simlikning gul va bargga aylanadigan a'zosi. 42. Kulrang, yaltiroq urug'idan shifobaxsh yog'

olinadigan baland bo'yli bir yillik o'simlik. 43. Ildizmevali sabzavot ekini. 44. Ko'p iste'mol qilinadigan sersuv, ituzumlar oilasiga mansub sabzavot o'simligi. 45. Xushbo'y manzarali oshko'k ekin. 46. Dukkakli ekin. 47. Yog'ochi binokorlikda ishlatiladigan, tollar oilasiga mansub baland o'suvchi daraxt. 48. Mayizbop uzum navi.

49. Taomga ishlatiladigan ildizmevasi pushti, sariq rangda bo'ladigan sabzavot. 50. Dukkakdoshlarga mansub don. 51. Mayda oqish bargli, o'ziga xos hidli ko'p yillik yovvoyi giyoh. 52. Qir-adirlarda o'suvchi urug'i qorayib pishadigan achchiq yovvoyi o't. 53. Qiyoq bargli, ildizidan tez ko'payadigan ko'p yillik yovvoyi o'simlik. 54. Dukkakli o'simliklar oilasiga kiruvchi, yem-xashak bo'ladigan o'tsimon o'simlik, bedaning turi.

TOPIUSHMOQLI —  
MUAMMONOMA

Awalo quyidagi topishmoqlarda berilib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib ochqichni hal eting.

1. Yozin-qishin barobar, Ko'm-ko'k turadi barglar, O'zi ming yoshga kirar. — 6, 5, 12, 6.
2. U yog'i tog', bu yog'i tog', O'rtasida ko'k yon tog'. — 15, 7, 14, 7, 13.
3. Oltin sochdim tojidor, Unga hamma xaridor. — 1, 6, 5, 2, 9.
4. O'zi bitta, Tili mingta, — 14, 6, 5, 6, 16, 1.
5. Ta'mi nordon, ichi qon, Shifo topar xasta jon. — 10, 7, 1, 3, 1.
6. Mushtdekkina bir ombor, Ichida ming tog'i bor. — 6, 8, 7, 5.
7. Shakli munchoq, yumshoq — u, Dum-dumaloq ushoq — u, Ranglaridir qip-qizil, Shirinlikda ko'p asil. — 17, 2, 11, 7, 4.

Endi javoblar asosida shakl atrofidagi raqamlarda yashiringan muammonomani yeching. Ulardan ikki misrali bir juft topishmoq ayon bo'ladi. Ana shu xalq topishmoqlariga javob toping-chi.

Foziljon O'RIPOV  
tuzdi.Gazetamizning 2001 yil 10 yanvar sonida berilgan  
AYLANMA KROSSVORDNING JAVOBLARI:

1. Rassom. 2. Sandal. 3. Do'lana. 4. Masala. 5. Madina. 6. Tanqid. 7. Tarona. 8. Satira. 9. Tandir. 10. Taxdid. 11. Haykal. 12. Malaka. 13. Shabnam. 14. Barlos. 15. Baqqol. 16. Qarmoq.

## Ma'rifat

ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҲИМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайд. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА,  
Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 20.  
ИНДЕКС: 149, 150.  
Г-2017.  
Тиражи 36.750.  
Г. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табок,  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш  
вақти — 20.00.  
Топширилди — 19.30